

Ijtimoiy-huquqiy jurnal

# HUQUQ va BURCH

ISSN 2010-5436

№2/2020

«ЛИСОН УТ-ТАЙР»  
МОҲИЯТИ

БОЛА АСРАБ ОЛИШ  
ҳуқуқий меъёрларимиз  
замон талабига мосми?

ТИББИЁТ КОДЕКСИ  
керақ(ми?)

ҲУҚУҚИЙ  
МАДАНИЯТ  
таназзулининг чегараси

**БОЛА АСРАБ ОЛИШ  
ХУҚУҚИЙ  
МЕЬЁРЛАРИМИЗ  
ЗАМОН ТАЛА-  
БИГА МОСМИ?**




**«ЛИСОН УТ-ТАЙР»  
МОҲИЯТИ**

**2**

**ХУҚУҚИЙ  
МАДАНИЙТ  
ТАНАЗЗУЛИНИНГ  
ЧЕГАРАСИ**

**10**

Мактаб худудида сигарет чекиб турган вояга етган фуқарони кўрсангиз, қандай йўл тутасиз?



- Сигарет чеккан кишига танбеҳ бераман
- ИИВ ходимларига мурожаат қиламан
- Мактаб раҳбариятига хабар бераман
- Бу ҳолатга эътибор бермайман
- Жавоб беришим кийин

**18**

**ЭКОЛОГИЯ  
КОДЕКСИ  
ХОРИЖ  
АМАЛИЁТИ  
ВА ТАҚРИБИЙ  
ЛОЙИХА**

**24**

**МУКАММАЛ  
КОНУНЛAR  
ТАРАҚҚИЁТ  
ГАРОВИ**

**32**

Бугун Латвия – антикоррупциявий таълим тизими олий ўқув юртларида ҳам, мактабларда ҳам яхши йўлга қўйилган мамлакат сифатида намуна бўла олади.

Бўни мамлакатда коррупцияяга қарши курашиб тизимида муносиб ўрин тутувчи Латвия мустақил ўқув маркази фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

**КОРРУПЦИЯГА  
ҚАРШИ  
КУРАШИШДА  
ЛАТВИЯ  
ТАЖРИБАСИ**

**36**

**ТИББИЁТ КОДЕКСИ  
КЕРАК(МИ?)**

**40**

# ДУНЁ ВА БИЗ





## «ЭЛЕКТРОН ЖИНОЯТ ИШИ»


ижобий  
ва салбий  
жиҳатлар

66

## ТАНИБ ОЛИШ УЧУН КУРСАТИШ

жиноят  
процессида унга  
оид процессуал  
қоидаларнинг  
такомиллашиши

52



## ШАХСИЙ БОЖХОНА КҮРИГИ

ва инсон  
ҳуқуқлари

56

## ЧАТ

Дунё сенинг  
ақлинг билан  
үлчаммайди

58

# МОЗИЙГА НАЗАР

Муассислар:  
Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги,  
Бош прокуратураси,  
Конституциявий суди,  
Олий суди

Таҳрир кенгаси:  
Рұсланбек Давлетов  
Нигматилла Йўлдошев  
Бахтиёр Мирбобеев  
Козимджан Камилов

Бош мухаррир:  
Аслиддин Алмардонов

Таҳрир ҳайати:  
Акбар Тошқулов  
Бахтиёр Исаков  
Светлана Ортикова  
Ҳаёт Шамсутдинов  
Шерзод Рабиев  
Нодирбек Салаев

Дизайнер:  
Азамат Жуманиёзов  
Навбатчи мухаррир:  
Хидоят Жўраева

Муқова учун лойиҳа муаллифи –  
Фарход Абдурасулов.

Журнал саҳифаларида  
ЎзА фотосуратларидан фойдаланилган.

«HUQUQ va BURCH» ижтимоий-ҳуқуқий журнали  
Ўзбекистон. Матбуот ва ахборот агентлигига 2012  
йил 13 июняда 0251-сонли гувоҳнома билан рўйхатта  
олинган. Журнал 2006 йил март ойидан чиқа  
бошлаган. Ойда бир марта чиқади.

Нашр индекси: 902. Сотувда келишилган нарҳда.  
Журнал саҳифаларида сο этилган материаллардан  
фойдаланилганда «HUQUQ va BURCH» ижтимоий-  
ҳуқуқий журналидан олинди деб кўрсатилиши шарт.  
Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз  
килиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган.  
PR белгиси билан берилган мақолалар тижорат  
мақолалари ҳисобланади.

Таҳририят манзили:  
100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор кӯчаси, 29-үй.


Телефонлар:  
Ижодий бўлими: (71)277-04-23, (71) 277-04-51.  
Обуна бўлими: (71) 277-04-26; Бухгалтерия: (71) 277-04-72  
web-site: [www.huquqburch.uz](http://www.huquqburch.uz);  
e-mail: [info@huquqburch.uz](mailto:info@huquqburch.uz)

f [facebook.com/huquqburch.uz](https://facebook.com/huquqburch.uz)

telegram.me/huquqburch.uz

Журнал 28.02.2020 йилда босмахонага топширилди.  
Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида босилди.  
Шарти 8 б.т. Буюртма №847. Адади: 4060.  
«Колорпак» МЧК босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Элбек кӯчаси, 8-үй.

# «Лисон ут-тайр» моҳияти



Алишер Навоий умрида 6 та достон ёзган. 5 таси унинг «Хамса»сидан жой олган. «Хамса»ни у 42 – 44 ёшларида, яъни 1483 – 1485 йиллари битган. «Лисон ут-тайр» – 6-достони. Уни умрининг охирги йилларида, аниқроғи, ҳижрий 904<sup>1</sup>, милодий 1498/99 йили, яъни 57 – 58 ёшларида яратган.

Албатта, ҳаммамизнинг ҳам Навоий достонлари ҳақида озми-кўпми тасаввуримиз бор. Лекин уларнинг ҳар бири хусусида чуқурроқ билиш ҳеч кимга зиён келтирмайди. Қайтанга, бу китобхонни асарни ўқишига ундейди.

Бир достон моҳиятини англаб етишда савол-жавоб усули жуда қўл келади. Шунинг учун биз ҳам шу йўлни маъқул кўрдик.

<sup>1</sup>«Лисон ут-тайр»нинг охирги бобида шоир:

Йил тўйкуз изо ўтмиш эрди дого тўрт,

Ким улуснинг кўнглига солди бу ўрт

(Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 12-т. – Тошкент: Фан, 1996. – 302-б. Бундан кейин шу нашрдан олинган парчаларнинг саҳифаси қавсда бериб борилади), – деб ёзади.

## «Лисон ут-тайр» қандай қисмлардан таркиб топган?

Достон 193 бобдан иборат. Ҳажман 3598 байт, яни 7 196 мисра. Албатта, «Лисон ут-тайр» – Навоийнинг энг кичик достони. Бироқ бу жиҳатдан «Хамса»даги достонлардан кескин фарқ қилмайди. Яъни 3 988 байтли «Ҳайрат үл-аброр»дан 390, 3 622 байтли «Лайли ва Мажнун»дан эса бор-йўғи 24 байтгина кам, холос. 5 782 байтли «Фарҳод ва Ширин» ҳамда 5 008 байтли «Сабъайи сайёр» – ўртача, 7 215 байтли «Садди Искандарий» эса йирик ҳажмдаги достонлар ҳисобланади.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, бу жиҳатдан «Лисон ут-тайр» – ўзига доминанта бўлган 4 838 байтли «Мантиқ ут-тайр»дан 1 240 байт кам. Демак, Навоий маъно-мазмунни имкон қадар ихчам тарзда ифодалаш йўлини тутган.

### Композицион жиҳатдан асар

#### 4 қисмдан иборат:

1. Кириш – 13 боб (1 – 13-боблар).
2. Қушлар сайри билан боғлиқ асосий сюжет – 156 боб (14 – 169-боблар).
3. Лирик қаҳрамон муножоти – 19 боб (170 – 188-боблар).
4. Ҳулоса – 5 боб (189 – 193-боблар).

Шартли равишда, «Кириш» деб атаганимиз қисмда Тангри таолога тавҳид-ҳамд (1-боб), муножот-ҳамд (2-боб), Мұхаммад(с. а. в.)га васф-наът (3-боб) ва меъоржнома-наът (4-боб), Абу Бакр таърифи (5-боб) ва ҳикоят (6-боб), Умар Форук таърифи (7-боб) ва ҳикоят (8-боб), Ұсмон таърифи (9-боб) ва ҳикоят (10-боб), Али таърифи (11-боб) ва ҳикоят (12-боб), Фаридиддин Аттор таърифи (13-боб) берилади.

Асосий қисм кескин драматик ҳолат тасвири билан бошланади. Бир куни «гулистану бешава баҳри биёбон қушлари» бир манзилга жам бўлишади. Лекин уларнинг жойлашишларида ҳеч қандай тартиб-интизом, қонун-қоида, адолат-ҳақиқат бўлмайди. Ҳеч кимнинг ўрни мавқеига мос эмас. Масалан,

зоғ булбулдан юқори ўтириб олган. Қушларнинг беҳунари ҳунарлисидан баландроққа ўрнашган. Ҳуллас, орада низо чиқади. Ҳеч ким ҳеч кимга қулоқ солмайди. Охири адолат ўрнатиш учун бизга бир одил подшоҳ керак деган хуносага келишади. Шунда Ҳудҳуд уларга Симурғ деган одил подшоҳ борлиги, унинг олдига бориши кераклигини айтди. Кейин уни обдон таърифлайди. Унинг олдига учишни қаттиқ тарғиб қиласди. Бунинг учун 10 та қуш (*Тұты, Товус, Булбул, Қумри, Каклик, Тазар, Дуррож, Қабутар, Шоҳбоз, Шунқор*) ни алоҳида-алоҳида таърифу тавсиф қилиб, уларнинг кўнглини олади-да, Симурғ сари парвозга даъват этади.

Кейин қушларнинг ҳаммаси Симурғ сари учади. Йўл азоби айримларига қаттиқ ботади. Шунда улар бир жойга қўнишни илтинос қилишади. Азоб чеккан қушлар бир-бир узр айта бошлайди. Жами 14 қуш (*Тұты, Товус, Булбул, Қумри, Қабутар, Кабки дарий, Тазар, Қорчиғай, Шунқор, Бургут, Куф, Хумой, Ўрдак ва Төвөғ*) бирин-кетин Ҳудҳудга ўз узрини айтади. Булардан тенг ярми, яъни 7 таси (*Тұты, Товус, Булбул, Қумри, Қабутар, Тазар, Шунқор*) Ҳудҳуддан таърифу тавсиф эшитган қуш эди. Ҳудҳуд таърифу тавсиф қилган 3 қуш (*Каклик, Дуррож ва Шоҳбоз*)-гина узр айтмайди. Ҳудҳуд узр айтган ҳар бир қушга мантиқли жавоб берилб, сўзи тасдиғи учун биттадан ҳикоят ҳам келтиради. Фақат *Төвөғ* узрига жавобдан кейин ҳикоят йўқ, холос. Эҳтимол, бу, нимадир бўлиб, муаллифнинг эсидан чиқиб қолгандир. Чунки, очиғини айтганда, шу ерда асардаги қатъий симметрия қоидаси бузилгандек бўлган.

**Шундай қилиб, асарда жами 19 қушнинг номи келтирилади, холос. Булардан бири, яъни Симурғ сюжетда бевосита иштирок этмайди. У Ҳудҳуд тилидан ҳар тарафлама таърифланади, ҳамма унга интилади. Энг фаол қуш – Ҳудҳуд.**

Қушлар узрларига яхшигина дакки эшитганларидан кейин Ҳудҳуддан Симурғ билан ўзлари ўртасидаги нисбат ҳақида ба-тағсилроқ маълумотга эга бўлиш учун са-

вол беришади (74-боб). Ҳудҳуд батафсил жавоб айтиб (75-боб), тасдиғига 2 та (76 – 77-боблар) ҳикоят ҳам келтиради. Бу ерда муайян құш тилга олинмайды.

Шұтариқа құшларда яна қайтадан үз парвозларини давом эттириш иштиёқи пайдо бүлдади. Улар йүл кайфиятини Ҳудхуддан сұрашади ва қониқарлы жавоб олишади (78-боб). Ишк үйли мөхияттіні обдон тушунтириш учун Ҳудҳуд ҳәттій мисол сифатида Шайх Санъон ҳақидагы ҳикояттын келтиради (79-боб).

**Бу – достондаги ұажман әңг катта боб. Ү – 515**  
**байт(1053–1567-байтлар)дан иборат. Ва асар ұажмининг нақд 14,31 фоизини ташкил этади.**  
**Агар қолган 3083 байтни қолган 192 бобга бүлсак, үртача 16,06 байтдан тұғри келади. Іеки жами 3 598 байтни жами 193 бобга бүлсак, үртача 18,64 байтдан тұғри келади. Шайх Санъон ҳақидаги боб – достондаги боблар үртача ұажмидан 27,63 марта, қолган байтларнинг 192 га бүлингандагы үртача ұажми күрсаткичидан эса 32,07 карра катта. Баъзы олимлар буни «достон ичра достон» деб баҳолашған. Бу – жуда тұғри.**

Достон таҳлиллари күрсатады, құшлар сайри билан боғлиқ асосий сюжет ҳам иккиге бүлинади. Шүннинг учун биз бу ҳикоятни «Лисон ут-тайр»нинг «олттын ҳалқасы» деб хисоблаймиз<sup>2</sup>. Ана шундан кейинги бобларда Ҳудхуддан бошқа бирор құшнинг оти тилга олинмайды. Чunksи айнан ана шу ҳикоятни әшиттегінен кейин құшлар чинакам сүйігін айланади – улар қалбига ишк үчкүни тушади:

*Ишк олди құлларидин ихтиёр,  
Шавқ ўтидин бўлди барча бекарор (135).*

Шұтариқа құшлар иккінчи бор үчиштегі тушади. Бу гал шундай завқ-шавқ би-

лан үчадиларки, йўлни худди бир чақмоқ-дек босиб ўтар, бир ҳамла билан ғарбдан шарққа етади:

*Қатъ этарлар эрди йўл андоқки барқ,  
Ғарбдин бир ҳамла аларға эрди шарқ (135).*

Лекин яна муаммо келиб чиқади. Ҳар ким үзича учар, ҳар водийда бир хавф пайдо бўлар, айримлар тўдадан чиқиб кетар, заифлашар, адашар, йўлда ортда қолар эди. Ҳуллас, яна бир бор йўлбошловчига мұхтоҗлик пайдо бўлган эди, чунки, ахир, сурувни бир чўпон бошқармаса бўлмайди-ку:

*Кўйникум, сув, ўтқа бошқармас шубон,  
Ул сурукни айлагил зоеъ гумон (136).*

Шунда құшлар Ҳудхуддан ўзларига йўлбошлилк қилишни сўрашди. У: «Йўқ, мен билганимча йўлга бошлайман, лекин бу вазифани бўйнимга олсан, ўртамиздә фарқ пайдо бўлиб қолади, шундан қўрқаман», – деб буни рад қилди. Бошка құшлар эса бунга лаёқатли эмас, «жамъи жаҳул» (137), яъни «жоҳилият тўдаси» эди. Нима қилиш керак? Ноилож, қуръа ташлашади. Қуръа ҳам келиб Ҳудҳудга тушади. Ҳудҳуд иложисиз қолиб, йўлбошлилкни бўйнига олади. Чунки бошқа баҳона тополмайди. Кейин барча құшлар уни пир тутиб, байъатига кўл беради:

*Чун анга кўп эрди боридин билик,  
Байъатига бердилар борча илик (137).*

Тасаввұф амалиётидаги муридларнинг пирга кўл беришини биламиз. Бу – шүннинг құшлар рамзидаги айнан тасвири.

Шундан кейин кетма-кет 23 құш (81-, 84-, 87-, 90-, 93-, 96-, 99-, 102-, 105-, 108-, 111-, 114-, 117-, 120-, 123-, 126-, 129-, 132-135-, 138-, 141-, 144-, 147-боблар) тасаввұфнинг турли назарий-амалий масалалари юзасидан Ҳудҳудга савол беради. Демак, аналогия жиҳатидан хонақоҳ тарбияси бошланди. Пир уларға маънили-мантиқи жавоблар қайтарар экан, ҳикоятлар ҳам келтириб, на-

<sup>2</sup> Бу масалада ушбу сатрлар мұаллифінинг құйидаги мақоласыда батафсилроқ ёрнитилген: Ол и м С. «Лисон ут-тайр»нинг «олттын ҳалқасы» // Тафаккур, 2001, № 1. 34–47 б.

зарий-тасаввуфий талқинларини ҳәетий мисоллар билан далиллаган бўлади.

Энди асарда њеч бир қушнинг оти йўқ, улар «*бир қуш*» деб қайд этилади, холос. Чунки ишқ йўлида ҳамма сўфий – тенг. Орада бир боргина «*бир қуш*» эмас, «*қушлар*» (83-боб) савол сўрайди, холос.

Шундан сўнг 7 водий сифати баёни бошланади. Шаклан Ҳудҳұд қушларга шу водийлар хусусиятларини таърифлайди. Қушларни бу босқичларни босиб ўтишга тайёрлайди. Лекин шу пайтагча навоийшуносликда бу водийларнинг жойлашиши горизонтал маънода тушунилган. Аслида, асар моҳияти бу водийларни вертикаль маънода тушунишга ундейди.

7 водий қўйидагилардан изборат: Табаб (истак), Ишқ (Ҳақни севиш), Маърифат (Ҳаққа яқинлашиш), Истиғно (ҳамманинг тенглиги), Тавҳид (Ҳақ, яъни борлиқнинг ягоналиги), Ҳайрат (бор-йўқлик, кеча-кундузни фарқламай қолиш), Фақру фано (йўқлик).

### **Асарда қушларнинг жами тўрт карра парвоз қилиши ниманинг рамзи?**

Асар воқеасига дикқат қиласак, қушларнинг жами тўрт бор парвоз қилганига гувоҳ бўлмази:

**Биринчи парвоз** Ҳудҳұднинг қушларни Симурғ ҳақида дастлабки маълумотни айтганидан кейин амалга ошади.


**Иккинчи парвоз** Ҳудҳұднинг Шайх Санъон ишқ ҳақидаги ҳикоятни айтиб берганидан кейин амалга ошади.

**Учинчи парвоз** қушларнинг қуръя ташлаб, Ҳудҳұдни ўзларига раҳнамо қилиб сайлаганлари, унинг байъатига кўл берганларидан кейин амалга ошади. Ҳудҳұд пир этиб танланганидан кейин қушлар учиб, илгари ќеч бир қуш қаноти етмаган («*қатъ этмаган*») водий бошига келишиди. Унинг охирни кўринмас эди. Қушлар бир-бир Ҳудҳұдга ана шу машакатли йўл ҳақида саволлар беришиди. Жами 23 қуш бир-бир савол беради. Ҳудҳұд бу саволларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида жавоб бериб, фикрлари исботи учун биттадан ҳәетий ҳикоят ҳам келтиради. Кейин у етти водийга таъриф беради (149-, 151-, 153-, 155-, 157-, 159-, 161-боблар).

Дастлабки 6 водий таърифидан кейин биттадан ҳикоят ҳам келтирилади (150-, 152-, 154-, 156-, 158-, 160-боблар). Фақат 7-водий – Фақру фано таърифидан кейин 4 та ҳикоят келтирилади (162-, 163, 164-, 165-боблар).

**Тўртинчи парвоз** Ҳудҳұднинг 7 водийидан таърифлаб бўлганидан кейин амалга ошди. Аммо мақсадга фақат 30 қушгина етиб борди.

Бу рамзиёт замираиди ҳам теран маъно бор. Бу парвозларда, бизнингча, тасаввуфдаги шариат, тарикат ва ҳақиқат босқичла-рига ишора мавжуд. Биринчи парвоз шариат,



иккинчи ва учинчи парвоздар – тариқат, тўртингичи парвоздар – ҳақиқат рамзи.

Энди бир ўринли мулоҳаза ўртага тушади: нима учун шарият ва ҳақиқат босқичларни рамзи сифатида биттадан, тариқат рамзи сифатида эса икки парвоздар қаламга олинди? Бунинг аниқ-тиник сабаби бор. Иккинчи парвоздар тариқат йўлини пирсиз босиб ўтиш иложи йўқлигини исботлашга хизмат қилган. Учинчи парвоздар эса бевосита Ҳудхуд пирилгига кечади. Чунки қушлар иккинчи парвоздар охирида ўзларига пир танлашди. Бу ҳам бежиз эмас. Тариҳда пирсиз ҳам тариқат йўлига кириб, ўзбошимчалик билан руҳий тарбия топишга уринганлар, риёзатлар чекканлар

бўлган. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да Мавлоно Бинойга айнан шундай айб кўяди: «...Фақр тариқиң инхтиёр қилди ва риёзатлар ҳам тортти, чун пири ва муршиди йўқ эрди, ўз бошича қилғон учун ҳеч фойда бермади. Эл таъну ташниидин Ҳирийда туролмай, Ироққа борди. Андин даги ушбу ранг овозалар йиборди». Иккинчи парвоздар сўнгидаги қушлар пирга эга бўлишди. Қушларнинг тўртингичи парвози эса бевосита ҳақиқат босқичи эканига ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак. Чунки айнан шу парвоздар сўнгидаги қушлар ўзлари Симурғ («си» – ўттиз, «мурғ» – қуш) эканини сезди, яъни фанодан баъзога ўтди – руҳан Ҳаққа қовушди.

### **Мұхаммад (с. а. в.) – достон бosh қаҳрамонларидан бирими?**

Диний манбаларда, хусусан, мөържоннома асарларда ёзилишича, Мұхаммад (с. а. в.) мөържон кечаси Жаброил (а.) раҳнамолигида Буроқ отига миниб, еттинчи осмонгача кўтариладилар. Еттинчи осмонгача етганларида Жаброил (а.): «Бу ёғига бизга ҳам, Буроқ отига ҳам ўйлай ўйқ. Рафраф кўмагидаги ёғига ўзингиз парвоздар этасиз», – дейди. Саккизинчи ва тўққизинчи қават осмонга ўзлари учадилар. Тўққизинчи қаватда Аллоҳ таоло билан икки қош яқинлиги («қобу қавсайн») даражасидаги масофада хос сүҳбат бўлиб ўтади.

Фаридиддин Аттор етти водийни танлагани бежиз эмас. Сўфийлар мөържога муносабатда, шартли равишда, Мұхаммад (с. а. в.)ни – соликка, Жаброил (а.)ни эса – пирга ўхшатишади. Шундан келиб чиқиб, «Мантиқ үт-тайр» ва «Лисон үт-тайр» мантиғига кўра, сўфий пири раҳнамолигида руҳини етти қават осмонгача кўтариши мумкин. У ёғи фақат Мұхаммад пайғамбар (с. а. в.) гагина насиб этган, холос. Етти қават осмонгача етган руҳ фоний бўлади. Фоний бўлмай туриб эса баъзога етиб бўлмайди.

Ҳаёт – дунё ва охиратдан иборат. Инсон жисм ва руҳдан ташкил топган. Оддий одамлар дунёни – бирламчи, охиратни – иккиласми деб билади. Шунингдек, аксар кишилар фақат жисм эҳтиёжларини қонди-

FERİDÜDDİN ATTAR

# Mantiku't Tayr

- KUŞ DİLİ -



## Асарнинг персонажлари – кимлар?

«Асарнинг персонажлари» деганда биз юқорида санаб ўтилган бош қаҳрамонлардан ташқари бўлган тимсолларни кўзда туяпмиз. Шу маънода достон персонажлари иккига – қушлар тимсоллари ва инсонлар тимсолларига бўлинади.

**Достондаги қушлар тимсоллари, Симурғ билан Ҳудҳудни ҳам қўшиб ҳисоблагандা, 31 та. Бироқ, олдинроқда кўриб ўтилганидек, бу иккаласидан ташқари, 17 қушнинг номи тилга олинади. Шунга қарамай, мантиқан, Симурғ билан Ҳудҳуддан ташқари, яна 29 қуш иштирок этган деб ҳисоблаш лозим.**

## Асарнинг бош қаҳрамонлари – кимлар?

Асарнинг биринчи бош қаҳрамони – Симурғ. Чунки қушларнинг бош мақсади унга етишдан иборат. Ҳудҳуд ҳам фақат ва фақат унинг таърифини қиласди, водийлар ҳам – фақат ва фақат унга олиб борадиган йўл босқичларидан иборат.

Иккинчи бош қаҳрамон – кўриб ўтилганидек, Мұхаммад пайғамбар (с. а. в.). Табиийики, Мұхаммад пайғамбар (с. а. в.) «Лисон ут-тайр»да Симурғдан кейин турадиган бош қаҳрамон ҳисобланади.

Учинчى бош қаҳрамон – Ҳудҳуд. У тасаввифдаги пир, яъни муршиди комил рамзи. Бу – асардаги энг фаол тимсол. Шу ўринда тасаввифда Навоий таъкидлаган З шартни эслаш ўринли. Биринчиси – истеъодод. Иккинчиси – пир. «Бепир машав, агар хоҳӣ амонӣ, агар бошӣ Искандарӣ замонӣ», – деган тоҷикча нақл бор. Яъни: «Тинчликомонлик истасанӣ, агар замонанинг Искандарӣ бўйсанг ҳам, пирсиз юрма!» – дегани бу. Учинчиси – пир билан мурид ниятининг мувофиқлиги.

Тўртинчи бош қаҳрамон – достоннинг лирик қаҳрамон муножотидан иборат 19 боб(170 – 188-боблар)ида намоён бўлган лирик қаҳрамон тимсоли.

*Балки чун бу ишга воқиғ бўлдилар,  
Ваҳмдин ул дам кўпли худ ўлдилар.  
Фоний ўлочи ваҳми жон ўлғонлари,  
Тутти ўйл ҳайрат била қолғонлари*  
(259 – 260).

Аммо йўл осон эмас эди, мақсадга жуда оз қисмигина етди:

*Охир ул-амр ул гуруҳи зордин,  
Ранж тортардин сурук афгордин  
Еттилар мақсадға, аммо асрү оз,  
Тан аро юз сўзу жон ичра гудоз* (260).

Чунки йўл азобига чидаш беролмай кўплари ўлди:

*Баъзи ул күшлардин ўлдилар ҳалок,  
Баъзи йиттилар<sup>3</sup> бўлуб кўп дарднок  
(260).*

Оқибатда юз минг қушдан юз туман ранж тушга айланганлари, яъни ўттизтасигина охиригача қанот қоқди:

*Оқибат юз минг тумандин неча қуш, –  
Ким аларға юз туман ранж ўлди туш,  
Урдилар ўттуз қуш ул ерда қанот,  
Танларида қолмай ойини ҳаёт (260 – 261).*

Қүшларнинг не учарга қувватлари ва не қўнагра тоқатлари қирган бир маҳал кутилмаганда иззат элчиси («човушки») пардадан нигоҳ ташлаб, уларнинг кимлигини сўради:

*Не учарға ёр ўлуб қувватлари,  
Не қўнагра дард аро тоқатлари.  
Пардадин ногоҳ иззат човуши,  
Жилва қилди уйлаким давлат қуши.  
Кўрди ул мабхути хайли хастани,  
Юз балияят ториға вобастани.  
Сўрголи қилди алар ҳолини майл,  
Деди: «Оё не жамоаттур бухайл?..» (262).*

Шу саволга жавобда ҳам қүшлар, аслида, ўйлуга чиққанлар «неча юз минг» бўлганин-ю, шундан фақат 30 тасигина етиб келганини айтишиди:

*Нече юз минг тобеъу хайлу ҳашар, –  
Ким онинг сонида ожиздур башар,  
Бўлдилар зоеъ, қўюб бу ўйлда юз,  
То бу даргаха етишиштук биз ўтуз (263).*

Демак, асардаги воқеа тасвири мантиқига биноан фикрланса, Ҳудхуднинг даъвати билан парвоз қилиб, ўйлуга чиққан қүшлар сони одам ҳисобига етолмайдиган дарақкада кўп эди. Шунинг учун, шартли равишда, Ҳудхуд билан бирга учеби, мақсадга эришган қүшларнингина персонажлар сирасига киритамиз.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак. «Юз минг туман» қушдан фақат 30 тасигина мақсадга етган замирода ҳамма ҳам чинакам, Ҳаққа етган шайх бўла олмаслигини таъкидлаш ётибди. Навоийнинг «Насойим

ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват» тазикирасида Муҳаммад(с. а. в.)дан бошланган тасаввўнинг XV аср охиригача бўлган даврда ўтган таникли пирлари ҳақида маълумотлар йиғилган. Бундан, шартли равишда, ўтган ана шу 9 аср мобайнидга бор-ўғу 812 шайх ўтган экан деган хуоса келиб чиқади. Ҳолбуки, бу ўйлуга кирганлар, айни борада юксак даражаларга эришишга интилганлар бундан бир неча карра кўп бўлган, албатта. Биринчидан, ҳамма ҳам тасаввўф йўлига кирмайди. Бу хос кишилар йўли ҳисобнади. Иккинчидан, бу ўйлуга кирганларнинг ҳаммаси ҳам асл мақсадга эриша олмайди. «Лисон ўт-тайр»да худди ана шу ҳолатга суюнингдан. Бу – достонга «Мантиқ ўт-тайр»дан ўтган жиҳатлардан бири.

### Достонда лириклик ва эпиклик нисбати қандай?

Адабиёт асарлари субъект, яъни муаллиф билан объект, яъни тасвирланаётган воқелик ўртасидаги ўзаро нисбатга қараб турларга ажратилиди. Субъект бирламчи бўлиб, объект иккиласми бўлса, «лирика», объект бирламчи бўлиб, субъект иккиласми бўлса, «элос» ва объект субъект иштирок этмаган ҳолда кўрсатиб берилса, «драма» деййилади.

Бироқ эпик асарда лирик тасвир ҳам муҳим ўрин тутса, у аралаш, аникрофи, лиро-эпик турга киритилиди. Шу маънода Навоийнинг 6 достони ҳам – лиро-эпик асар. «Ҳамса»даги 5 достондан 4 тасида эпиклик лирикадан устун туради. Бу бешлиқда лирика эпикликдан устун келадигани – биргина «Ҳайрат ул-аббор». Чунки уни мавзулар, яъни 20 мақолат бошқаради. Ҳар бир мақолатда бир муйян мавзу қўйилиб, у фалсафий-мушоҳадавий асосда талқин этиб берилган. Келтирилган ҳикоятлардагина эпиклик бор. Бироқ ана шу «Ҳайрат ул-аббор» ҳам лириканинг устунлиги жиҳатидан «Лисон ўт-тайр»га тенг кела олмайди. Чунки бы 20 мақолатда ҳам мұаллиф кўпроқ ақл-та-

<sup>3</sup> Нашрда «эттилар» бўлиб кетган, бунда маъно чиқмайди. Биз «йиттилар», яъни «йўқолиб қолдилар» тарзида тузатиб кўчирдик. Ваҳоб Раҳмонов ҳам бу сўзни тўғри ўқиб, ўзи тайёрлаган нашрда уни «иттилар» тарзида ёзишини маъқул топган (Қаранг: Алишер Навоий. Лисон ўт-тайр (Насрий баёни билан). – Тошкент: Faafur Ғулом номидаги нашриёт-матбаса бирлашмаси, 1991. – 230-6.).

факкурга бўйсунади, ҳис-туйғуға эмас. «Лисон ут-тайр»да эса ҳиссиёт шу қадарки, ҳатто шоир қушлар баҳонасида амалда ўз кўнгли дардини ифодалайди.

### **Навоий ўз ишқини тараннум этадиган асар ёзганми ёки бу шоир- нинг армони бўлиб қолганми?**

Шоир «Лисон ут-тайр»нинг Шайх Санъон ҳақидаги 79-боби охирида лирик чекиниш қилиб:

Бир неча кун умрдин топсан амон,  
Шарҳи ишқим назм этай бир достон  
(135), –

деб ёзди. Айрим олимлар шу байтга суюниб: «Навоий ёшлигига қай бир қизни севган, ёши улғайганда у ҳақда маҳсус достон ёзмоқчи бўлган, аммо бу режаси амалга ошмай қолган», – деган хуносага келишган<sup>4</sup>. Бу – мутлақо хато. Ўз ишқи ҳақида ёзмоқчи бўлган достони – айнан шу «Лисон ут-тайр» эди. Демак, шоирнинг бу орзуси армон бўлиб қолмаган.

Бу даъво қуруқ бўлмаслиги учун асарнинг ўзидан уч ишончли далил келтириш мүмкин.

Биринчи далил. Келтирилган байтдаги «бир неча кун» сўзлари гап айнан «Лисон ут-тайр»ни тугатиб олиш ҳақида кетаётганидан далолат беради. Чунки, биринчидан, ҳали асарнинг яна 114 боби битилмаган, иккинчидан, достон сўнгига шоир ўзининг ҳам, худди қушлар каби, етти водийни босиб ўтишини муножот тарзида ёзиб кетишини режалаштирган эди.

Иккинчи далил. «Фоний» тахаллусини қўллашини мантиқан асослаган бобда:

Ким бу дафтар назмидин кулли мурод,  
Чунки муржъе майли эрдию маод.

Мунда фоний бўлмай иш ўлмас татом,

«Фоний» ондин топти назмим ихти-  
мом (300), –

деб ёзди. «Муржеъ» сўзи «мурожаат»нинг бирлигини англатади. Кимга мурожаат қил-

моқчи? Албатта, Яратганга. «Маод» луғатларда «қайтадиган жой» деб берилади. Қайтадиган жой ҳам – Аллоҳ даргоҳи. Демак, муалифнинг достонни ёзишдан «кулли муроди», яъни асосий мақсади – Тангри таолога мурожаат қилишдан иборат экан.

Учинчи далил. Достоннинг 170-бобидан лирик қаҳрамон, яъни шоир ўз қалбини бўшатишига ўтади. Кейин ҳар бир водий тариқида муножотлар (175-, 177-, 179-, 181-, 183-, 185- ва 187-боблар) битади. Тангри таолога мурожаат қилиб ёзилган асарлар эса адабиётшунослигимизда «муножотнома» дейлади. Демак, «Лисон ут-тайр» – Навоийнинг умрининг сўнгги даврида битган муножотномаси ҳам. Бу муножотномада, албаттаки, лирик қаҳрамоннинг Тангри таолога ишқи баён этилган.

### **«Лисон ут-тайр»ни дунёвий талқин етиш ҳам мумкинми?**

Бадиий асарни муалиф ёzáди, лекин уни қандай тушуниш ва талқин этиш – китобхоннинг иши. Бироқ бир қатъий қоидага амал қилиш керак: ҳар қандай талқин учун матн асос бўлиши шарт. Матнга мос келмайдиган ҳар қандай талқин – фалат, яъни хато.

«Лисон ут-тайр» рус тилига тўлиқ шерьи, инглиз тилига эса насрый таржима қилинган. Рус ва инглиз ўқувчисининг ислом тасаввуфи ҳақидаги тасаввурлари қанчалигини хаёлга келтириш мумкин. Дунёвий маънода тушунганда, «Лисон ут-тайр» ўқувчига бош, асл, бирламчи мақсадга этиш йўлида инсон қандай қилиб асосий бўлмаган, иккинчи даражали мақсадлардан воз кечиши йўлини кўрсатади. Агар кимки бу дунёда ўзини ўстириб, бошқалардан бир бош баландроқ поғонага кўтарилган бўлса, билингки, у биринчидан даражали мақсадга этиш учун иккинчидан даражали мақсадлардан воз кечиши йўлидан юрган. «Лисон ут-тайр» шунга ўргатади.

Шунинг учун ҳам бу достон – жуда буюк асар.

**Султонмурод ОЛИМ,**  
филология фанлари номзоди,  
Ўзбекистон Республикаси ҳалқ таълимими аълоочиси

<sup>4</sup> Бу ҳақда қаранг: Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. 2-т. – Тошкент: Фан, 1977. – 331-б.



# Хуқуқий маданият таназзулининг чегараси

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Хуқуқий сиёsat тадқиқот институти 2019 йилнинг июнь-октябрь ойларида худудий адлия органлари билан ҳамкорликда «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг долзарб масалалари» мавзусида социологик тадқиқот ўтказди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 1871 нафар респондент қатнашди. Анкеталаш услуби орқали йиғилган ахборот умумлаштирилди ва таҳлил қилинди.



Тадқиқот натижаси муаммоларни танқидий таҳлил қилиш, ҳуқуқий маданият соҳасидаги айрим инқизозий аломатларга тавсиф беришни тақозо этади. Зеро, қуйида санаб ўтиладиган муаммолар умуммиллий даражага кўтарилишга улгурниб, фуқаролар, давлат органлари ходимлари ва кўплаб раҳбарлар фаолиятида бирдай кузатилмоқда.

## Қонунға иккиламчи восита сифатыда муносабатда бўлиш

Ҳаётимизнинг ҳеч бир жабхаси йўқки, қонун-коидада билан тартибиға солиб бўлмаса. Бироқ маълум бир низоли вазият ёки манфаат илинжи пайдо бўлди дегунча айрим фуқаролар вазиятни ўзбошимчалик билан «тезроқ», «осонгина», ҳатто «куч ишлатиб» ҳал этишга уринмоқда. Бу қонунни билмасликни эмас, балки уни била туриб ноқонуний йўлни танлашга мойилликни англатади. Буни мавзуга оид янгиликлар мисолида ҳам кўриш мумкин.


Хусусан, айрим шахсларнинг соғлиқни сақлаш тизими ходимлари хизматидан норози бўлиб, уларга тажовуз қилаётгани ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолларда ривожланган давлатлардаги каби белгиланган тартибида шикоят ёзиш ўрнига, баъзи юртдошларимизнинг гайриқонуний йўлни танлашини узоқ йиллар давом этган ҳуқуқий тарбиядаги нуқсонлар оқибати ва оммавий маданиятнинг салбий таъсири десак хато бўлмайди.

Ҳуқуқни иккиламчи билиб, уни назар-пинанд қиласмасликнинг жамиятимиздаги кўламини аниқлаш учун респондентларга кундалик шароитларда ҳуқуқ нормаларига қанчалик риоя этишига доир бир қатор саволлар берилди. Жумладан, «Мактаб ҳудудида сигарет чекиб турган вояга етган фуқарони кўрсангиз, қандай йўл тутасиз?» деган саволга респондентларнинг 53,5 фоизи сигарет чеккан кишига танбех беришини,

24,3 фоизи мактаб раҳбариятига хабар берishiни, 6,6 фоизи ИИВ ходимларига мурожаат қилишини, 5,6 фоизи бу ҳолатга эътибор бермаслигини, 10 фоизи эса жавоб берishi қийинлиги билдирган (1-жадвал). «Хиёбонда (паркда) спиртли ичимлик истеъмол қилиб турган кишини кўрсангиз, қандай йўл тутасиз?» деб сўралгanda, респондентларнинг 27,7 фоизи спиртли ичимлик истеъмол қилаётган кишига танбех беришини, 21,5 фоизи хиёбон раҳбариятига хабар беришни, 18,5 фоизи ИИВ ходимларига мурожаат қилишини, 12,8 фоизи бу ҳолатга эътибор бермаслигини, 19,4 фоизи эса жавоб берishi қийинлигини билдирган (2-жадвал).

Келтирилган икки натижанинг таҳлили шуни кўрсатадики, тўрут йилдирки жамоат жойларида тамаки чекиши ва спиртли ичимлик ичиш тақиқи бўйича маъмурий жавобгарликка тортиш вазифаси ички ишлар ходимларига юклатилганига қарамай, фуқаролар ушбу нормани иккиламчи билиб, ўзлари танбех бериши лозим деб билишмоқда. Шунингдек, мактаб ҳудудида сигарет чекиши респондентлар учун оғирроқ ҳуқуқбузарлик деб кўрилгани сабабли бу ҳолда респондентларнинг хиёбондаги ҳуқуқбузарликка (27,7 фоиз) нисбатан кўпроқ (53,5 фоиз) якка ташаббус кўрсатишга мойиллиги аниқланмоқда. Таъкидлаб ўтиш жонзиги, бундай ҳолатларда ҳуқуқни кўлловчи органларга хабар бериш ҳуқуқбузарнинг жазога тортилишини таъминлайди ва гувоҳни таваккалчилик билан ўзини хатарга қўйишдан араб қолади.


### 1-жадвал. Мактаб ҳудудида сигарет чекиб турган вояга етган фуқарони кўрсангиз, қандай йўл тутасиз?



- Сигарет чеккан кишига танбех бераман
- ИИВ ходимларига мурожаат қиласман
- Мактаб раҳбариятига хабар бераман
- Бу ҳолатга эътибор бермайман
- Жавоб беришим қийин



2-жадәвал. Хиёбонда (парқда) спиртли ичимлик истеъмол  
қилиб турған кишини күрсангиз, қандай йўл тутасиз?




### Қонунларни яхши билмаслик

Барчага матьумки, қонунни билмаслик жавобгарликдан озод этмайди. Бироқ ҳуқуқий саводхонлик нафақат жавобгарликка дучор бўлмаслик учун, балки ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қонун билан белгиланган қўшимча афзалликлардан фойдаланиш ёки жамият ва давлат олдидаги ўз мажбуриятларини сидқидилдан бажариш учун ҳам керак бўлади. Яъни, ҳуқуқий билимларни ўзлаштириш учун турткى сифатида қонун олдидаги қўркув эмас, балки уни билишдан рағбат топиш жамият ва давлат ривожи учун кўпроқ аҳамият касб этади.


Ўтказилган социологик тадқиқот натижалари аҳолида ҳуқуқий билимларни ўзлаштиришга нисбатан эҳтиёж кучли эканини кўрсатмоқда. Жумладан, ҳуқуқ тўғрисида хабардорлик мақсадга мувофиқлиги бўйича савол сўралгандан респондентларнинг 65,5 фоизи айрим йўналишларини, 31,2 фоизи ҳуқуқнинг барча соҳаларидан хабардор бўлиш лозимлигини, 3,3 фоизи эса ҳеч бир ҳуқуқ соҳасини билиш шарт эмас, давлат идоралари қонун доирасида иш юритса шунинг ўзи етарли деб ҳисоблаши маълум бўлди (3.1- ва 3.2-жадваллар).




3.1-жадвал. Сизнингча, қуйида келтирилган қайси ҳуқуқ соҳаси түгрисида ҳар бир фуқаро хабардор бўлиши керак?



3.2-жадвал. «Айрим йўналишларини» деб жавоб берган 65,5 foiz respondent танлаган ҳуқуқ соҳалари улуси\*



\*Respondent bир нечта жавобни белгиллаши мумкин



Юқоридаги натижалар мамлакатимизда ҳуқуқий билимларнинг аҳамияти ошиб бораётганини кўрсатади. Респондентларда конституциявий ва фуқаролик ҳуқуқига қизиқишининг юқорилиги эса уларнинг айнан базавий ҳуқук билимларини чуқур билиш керак деб ҳисоблашишини англатади.

Шунингдек, респондентларга ҳуқуқий билимларидан қанчалик қониқишини аниқлаш мақсадида берилган саволга 18,6 фоиз респондент ҳар қандай ҳуқуқий масалани ишонч билан ўзи мустақил ҳал эта олишини, 58,9 фоизи ҳуқуқий билимлари етарли даражада, бироқ билимларини янада ошириши керак деб ҳисоблашини, 18,4 фоизи ҳуқуқий масалаларни мустақил ҳал этишга билими камлик қилишини билдирган, 4 фоиз респондент эса жавоб беришга қўйналган. Натижалардан кўриниб турибдики, 22,4 фоиз респондентда кундалик ҳаётда ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш бўйича қўшимча ёрдамга эътиёж сезилмоқда.

Ҳуқуқий билимларга талабнинг юқорилиги бир томондан ҳалқимизнинг тартиб-қоидага муносабати ижобийлигини, иккинчи томондан фуқароларнинг давлат органлари вакиллари, айниқса, суд-ҳуқуқ тизимиға ишончи уччалик ҳам юқори эмаслигини англатади. Ҳусусан, социологик сўровлар асосида тузиладиган «The World Justice Project»нинг 2019 йилги Қонун устуворлиги индексида Ўзбекистон ўз ўрнини олдинги йилга нисбатан 2 поғона яхшилаганига қарамай, 126 давлат ичida 0,46 балл билан 94-ўрнини эгалла-

ди. Ўз иқтисодий ривожланиши билан ўрннак бўла олмайдиган Кот д'Ивуар, Доминикан Республикаси, Гватемала ва Либерия ҳам худди шу натижани кўрсатган (*Rule of Law Index 2019. WJP. Available at: https://worldjusticeproject.org/sites/default/files/documents/ROLI-2019-Reduced.pdf*).

Кўплаб ҳуқуқшуносларнинг фикрига кўра аҳоли ҳуқуқий билимларни мухаммал билиши асло шарт эмас. Чунки оддий фуқаро учун ҳуқуқий масалалар доим ҳам вужудга келавермайди. Шунинг учун ҳуқуқий маданият тарғиботи аввало давлат идоралари хизматчиларида юқсанбўлиши зарур.

Бироқ эски, совет замонида шаклланиб қолган айрим давлат хизматчилари ва амалдорларнинг фуқароларга нисбатан «мен қонунни билман, сен билмайсан» қабилидаги муносабати аҳолида ўз ҳуқуқларига нисбатан ишончи сусайишига ва фуқаро ўзига юкланган мажбуриятнинг асл сабабини билмасдан қолишига олиб келган. Бу, охир-оқибат, ташаббускорлик ва тадбиркорлик маданиятининг атрофиялашиб қолишига ҳам олиб келган.

Ҳеч кимга сир эмас, олдинги аввод ёшлидан аксариятининг орзузи тадбиркор бўлиб, ўз молиявий мустақиллигига эришиш эмас, балки «прокурор бўлиш» эди. Шу боис ҳуқуқий саводхонликни оммалаштириш соҳта билимдонларни фош этиш ва инсон манфаатларини кўзлаб қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси тўлиқ таъминланиши учун бугунги кундаги энг тўғри йўл сифатида танланмоқда.

#### 4-жадвал. Ҳуқуқий билимларингизни етарли даражада деб биласизми?



#### Коррупциявий амалиётга хайрихоҳлик

Мамлакатимиз янгиланиш ва ривожланиш йўлига ўтар экан, бу йўлда жиддий тўғсанок бўлиб турган коррупция иллатини бутунлай йўқотиш энг муҳим вазифа бўлиб қўломоқда. Бугунги кунда Президент Шавкат Мирзиёев ташабуси билан ушбу муаммога қарши муросасиз кураш олиб борилаётгани, коррупцияга қарши илфор механизмлар жорий этилаётгани натижасида ютуқларга эришилмоқда.

Ушбу механизмларнинг самарадорлигини таъминлаш мурakkab жараён бўлиб, бу масаланинг ечими ҳуқуқий маданият соҳасидаги муаммоларни бартараф этишга бориб тақалади. Вазиятта илмий баҳо бериш ва тегишли чораларни кўриш кўп вақт ва меҳнат талаб қилиши олдиндан аниқ бўлгани учун бу кураш ҳақиқий қатъият синови бўлиши мумкин. Бу даврда эса коррупция мамлакат имижига ва ҳалқаро рейтинглардаги ўрнига салбий таъсир ўтказишида давом этади.

Мисол учун, «Transparency International» ҳалқаро нодавлат ташкилоти томонидан тузиладиган Коррупцияни идрок этиш индексида Ўзбекистон 100 баллдан 25 балл тўплаб, 180 мамлакат ичида 153-уринни эгаллади. Худди шу натижани Камерун, Марказий Африка Республикаси, Комор ороллари ва Тожикистон ҳам кўрсатган (*Corruption Perceptions Index. 2019. Transparency International. 23 Jan. 2020. Available at: transparency.org/cpi2019*). Ушбу индекс натижалари тадбиркорлар ва мутахассислар фикрига асосланиб тузилгани сабабли аксар мамлакатлар уни бир ёқламалиқда айблаб туради.

Ўзбекистондаги коррупциявий ҳолатга ахолининг муносабатини холис ўрганиш мақсадида тадқиқот давомида респондентларга бир қатор саволлар берилид. Жумладан, «Мамлакатда коррупция қандай даражада деб ўйлайиз?» деган саволга 1 дан 10 гача шкалада берилган жавобларни маҳсус формула орқали қайта ишлаш асосида Аҳолининг коррупциявий ҳолат идроки индикатори тузилди (5-жадвал).




У 100 баллик шкаладан 62,6 даражадалигини кўрсатди.

Бу натижага мамлакатда коррупция юқори даражада эканини билдиради<sup>3</sup>. Бироқ у чегаравий ҳисобланниб, ушбу кўрсаткичнинг коррупцияга қарши олиб борилаётган кенг қамровли ишлар натижасида яхшиланиши салоҳияти мавжуд. Бунда коррупция кўлами «юқори даражада»дан «сезиларли даражада» гача тушиши мумкин.

Мазкур натижани «Transparency International»-нинг Коррупцияни идрок этиш индексидаги натижага билан таққослаганда, Ўзбекистон ушбу индексда 12,4 балл кўпроқ тўплаб, натижага жами 37,4 баллни ташкил этган, ўз навбатида, мамлакатимиз позициясининг 57 поғонага яхшиланишига олиб келган бўлар эди. Бироқ коррупция кўламини қайси услубларга асосланниб ўлчашдан қатъи назар, Ўзбекистонда коррупция даражаси анча юқори эканини тан олиш зарур.


Тадқиқотлар респондентларнинг коррупцияга бевосита дуч келиши ҳолатидан кўра, уларнинг коррупция ҳақидаги тасаввурлари кўпроқ эканини кўрсатди (6-жадвал). Хусусан, «Айнан қайси ҳолларда (қайси давлат ташкилотида) коррупцион ҳолатга гувоҳ бўлгансиз?» деган мазмунда берилган саволга 55,8 фоиз респондент коррупциявий ҳолатга умуман гувоҳ бўлмаганини билдириди. Шунингдек, 13,7 фоизи мактабгача, умумтаълим, ўрта ва олий таълим муассасаларида, 9,1 фоизи йўл-патруль хизмати фаолиятида, 3,8 фоизи давлат ташкилотларидаги кадрлар билан ишлаш соҳасида, 2,8 фоизигуда кўп соҳаларда гувоҳ бўлганини ва қолган 13,4 фоиз бошқа ташкилотларда (соғлиқни сақлаш, ҳокимиёт, банклар, прокуратура, нотариус, кадастр, ФХДЕ, архив ва бошқа идораларда) коррупцияга гувоҳ бўлишганини билдиришган. 1,4 фоиз респондент берилган саволга алоқадор бўлмаган мулоҳазалари билан ўртоқлашган.

#### 5-жадвал. Мамлакатда коррупция қандай даражада деб ўйлайсиз?



<sup>3</sup> Ахолининг коррупциявий ҳолат идроки индикаторида қўйидагича туркумлаш бўйича баҳо берилади:  
20 дан паст – коррупцион ҳолатлар деялри учрамайди, аҳоли ўртасида коррупциявий муносабатлар бўйича айрим маълумотлар мавжуд;  
21-40 – коррупция ҳолатлари кам учрашига қарамасдан, у аҳоли учун айрим ноқулайликлар яратади;  
41-60 – коррупция кўлами сезиларли даражада, давлат ва жамият ҳаётида кўп соҳаларда, иқтисодиётнинг баъзи тармоқларида кузатилиади;  
61-80 – коррупция юқори даражада, давлат ва жамиятда кўпчилик масалалар коррупцион йўл орқали ҳал этилади;  
81-100 – коррупция ўта юқори, коррупцион амалиёт давлат ва жамиятда қонун устуворлиги тамойили ўрнини тўлалигича егаллаган.

6-жадвал. Қайси ҳолларда қонун доирасидан ташқарида, маълум бир мукофот ёки «таниш-билишчиллик» эвазига (коррупцион йўл билан) ҳал этилган вазиятга гувоҳ бўлгансиз? (Очиқ савол: ёзинг)



(жадвалда мўлжал турли рангли улушлар тегишилиги бўйича матн киритилган катакларнинг чап томонидаги ранг намунаси билан мувофиқлиги орқали олинади)

«Хуқуқий маданият ва унинг таназзули ўртасидаги чегара қаердан ўтади?», «Жамиятимизнинг бу чегарадан таназзул томонга ўтиб кетишига йўл қўймаслик учун нима қилиш керак?» деган саволлар тугилиши табиий. Уларга жавобни ҳар бир юртдошимиз ўзи топиши керак.

Ҳар қандай ҳолатда аввало қонунни устувор билиб, тартиб-қоидага риоя этувчи шахсларига хуқуқий маданияти юксак жамиятни қура олади. Хуқуқий онг хуқуқий маданиятни таназзулга юз тутишидан асрорчи ягона омилдир.

Шундай экан, жамиятимизнинг ҳар бир аъзосининг қонунларни, ўз хуқуқ ва мажбуриятларини яхши билиши, хуқуқий нормаларга сўзсиз риоя этиши – Ўзбекистонда демократик тамойиллар асосида қурилаётган фуқаролик жамиятини мустаҳкамлашга ва аҳоли манфаатлари таъминланишига хизмат қиласи.

**Шерали РЎЗИЕВ,**

Аддия вазирлиги хузуридаги  
Хуқуқий сиёсат тадқиқот институти бош маслаҳатчиси



# Бола асраб олиш

## хуқуқий меъёрларимиз замон талабига мосми?



Маълумки, 2019 йил 30 декабрь куни Олий Мажлис Сенатида бўлиб ўтган Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси мажлисида Ўзбекистонда фарзанд асраб олишнинг қийинлиги ва бу жараёндаги қоғозбозликлар чақалоқ савдоси жиноятлари сонининг ошишига сабаб бўлаётганлиги таъкидланган эди.

Дарҳақиқат, васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан фарзандликка бериш тартиби мураккаб ҳамда кўп ҳужжатлар талаб қилинади. Мазкур масалалар юзасидан Адлия вазирлиги хузуридаги Ҳукуқий сиёсат тадқиқот институти миллий ҳамда хорижий давлатлар қонунчилигини таҳлил қилди. Ўзбекистон Республикасида фарзандликка олиш Оила кодекси ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оиласа тарбияга олиш (патронат) тўғрисида»ги низом билан тартибга солинади.

### **Мазкур қонун ҳужжатларини ўрганиш натижасида бир қатор ҳуқуқий бўшлиқлар ва камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Демак:**

#### **БИРИНЧИДАН:**

«Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оиласа тарбияга олиш (патронат) тўғрисида»ги низомнинг бир қатор нормалари Оила кодексида белгилangan қоидаларга тўтри келмайди. Жумладан, Оила кодексининг 151-моддасига кўра фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг (шахснинг) аризасига биноан васийлик

ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослилиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги хуносаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилади.

Бироқ «Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оиласа тарбияга олиш (патронат) тўғрисида»ги низомнинг З-бандида фарзандликка олиш болани фарзанд-

ликка олишни хоҳлаган шахсларнинг аризасига ва васийлик ва ҳомийлик органлари тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилиши белгиланган.

Бунинг натижасида қайси орган томонидан фарзандликка олишни расмийлаштириш, шу жумладан, фарзандликка бериш ҳақида қарор қабул қилиш масаласида тушунмовчиликлар келиб чиқмоқда.

#### **ИККИНЧИДАН:**

Оила кодексининг 152-моддасида вояга етган эркак ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчиilar бўлиши мумкинлиги белгиланган бўлиб, мазкур талаблар фарзандликка олинувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла даражада ҳимоя қила олмайди. Бошқача айтганда, фарзандликка олувчи шахсларга кўйилладиган талаблар қайта кўриб чиқилиши керак. Бунда уларнинг ёши чегараси, оиласи ҳолати ҳам ҳисобга олинни мақсадга мувофиқ.

Бу борадаги хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, Жанубий Кореяда турмуш курмаган шахсларнинг болаларни фарзандликка олиши тақиқланган. Фарзандликка олган ота-оналар эса 25-45 ёш оралиғида бўлиши лозим. Шунингдек, эр-хотин олий маълумотли, никоҳ тузилган даврдан бошлаб камидан уч йил ўтган бўлиши ҳамда ўтган давр мобайнида бир мартағдан ортиқ ажрашмаган бўлиши талаб этилади.





Германияда ҳам болани эр-хотинлар биргалиқда фарзандликка олишлари мүмкінлегі белгиланған бўлиб, фарзандликка олувчилар нинг ёшига нисбатан ценз ўрнатилган (аёллар учун – 21 ёш, эркаклар учун – 25 ёш). Суд амалиётига кўра болалар кўпроқ 35-40 ёшдан ошмаган эр-хотинларга фарзандликка берилади.

АҚШда амалдаги тартибига биноан, эр-хотиннинг турмуш құрганига камида икки йил бўлган бўлиши лозим. Агар турмуш құрмаган эркак ва аёл фарзандликка олиш бўйича мурожаат қылган бўлса, уларнинг ёши 25 ёшдан кичик бўлмаслиги керак.

Хитойнинг 2007 йил 1 майдан бошлаб кучга кирған «Фарзандликка олиш тўғрисидаги қоидалари»га кўра фарзандликка олувчиларнинг ёши 30-50 ёш оралиғида бўлиши лозим. Болалар ўзаро никоҳда ҳамда мазкур никоҳда икки йилдан бери яшаб келаётган ва аввал икки мартадан ортиқ никоҳдан ажрашмаган шахсларга фарзандликка берилади. Ўзаро никоҳда бўлмаган якка шахсларга, шунингдек, тана оғирлиги белгиланған меъёрдан ортиқ бўлган шахсларга фарзандликка бериштақиқланади.

## УЧИНЧИДАН:

Васийлик ва ҳомийлик масалалари бўйича алоҳида маҳсус ваколатли органнинг мавжуд эмаслиги ва меҳрибонлик уйлари устидан етарлича назорат ўрнатилмаганлиги сабабли нохуш ҳолатлар кузатилмоқда.

Хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибасига қарайдиган бўлсак, Беларусда фарзандликка олинган болалар ҳисобини юритиш халқ таълими бошқармалари (бўлимлари) ва Халқ таълими вазириллигининг

**Маълумот учун:** 2018 йилнинг май ойида Фаргона вилояти Марғилон шаҳридаги 1-меҳрибонлик ўида аниқланған ҳолатларга кўра мазкур меҳрибонлик ўйининг бир қатор раҳбар ва масъул ходимларига нисбатан жиноят иши қўзғатилган. Жиноят ишига муассасанинг 10 нафар ходими айбланувчи тариқасида жалб этилган. Уларга нисбатан ЖКнинг 110, 115, 127, 129 ҳамда 167-моддалари билан айб эълон қилинган.

Фарзандликка олиш миллий маркази томонидан амалга оширилади, худудларда марказнинг вакиллари иш олиб боради.

Германияда эса аҳолиси олтмиш минг ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир шаҳар (туман)да болалар ва ёшлар масалалари билан шугулланадиган ҳамда кенг ваколатларга эта бўлган маҳсус органлар (Jugentum) ташкил этилган. Ушбу орган таркибида васийлик ва ҳомийлик масалалари бўйича кенгаш мавжуд бўлиб, болаларнинг мактабдан ташқари таълим олиши ва болалар уйлари билан боғлиқ турли масалалар бўйича иш олиб боради.

## ТҮРТИНЧИДАН:

Фарзандликка олиш тизими очиқлиги ва шаффоғлигини таъминловчи қоидалар белгиланмаган. Ҳусусан, фарзандликка олиш учун ҳужжатларни мағофадан туриб топшириш, фарзандликка олиш мумкин бўлган болалар тўғрисида маълумот олиш имконияти яратилмаган.

Ушбу масала юзасидан хорижий давлатлар қонунчилигига мурожаат қиласидаган бўлсақ, Россиядаги фарзандликка олиш масалалари ҳукуматнинг 2000

йил 29 марта 275-қарори билан тасдиқланган «Россия Федерацияси худудида болаларни фарзандликка олишга бериш ва уларнинг яшаш шароитлари ҳамда фарзандликка олганлар оиласидаги тарбияси устидан назоратни амалга ошириш қоидалари» билан тартиби солинган бўлип, унда фарзандликка олиш масалаларида электрон ахборот алмашиб тизимидан фойдаланиш бўйича бир қатор нормалар келтирилган.

АҚШда Конгресс қарорига мувофиқ фарзандликка олувчиларга керакли ахборотни излаб топишга ёрдам бериш мақсадида Фарзандликка олиш бўйича миллий ахборот палатаси ташкил этилган. Палата фарзандликка олувчилар учун брошюралар, буклетлар ва бошқа материаллар тайёрлаш, уларни тарқатиш, агентликларга мурожаат қилиш бўйича маълумотлар бериш каби вазифалар билан шуғулланади.

## БЕШИНЧИДАН:

Режалаштирилмаган ҳомила натижасида туғилган болалардан улар туғилган вақтдаёқ воз кечиши ёки улар бир ёшга тўлмасданоқ сотишга уриниш ҳолатлари кўп кузатилмоқда.

Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти тақдим этган статистик маълумотларга кўра чақалоқларни сотишга уриниш бўйича 2018 йилда 25 та, 2019 йилнинг саккиз ойи мобайнида 23 та жиноят иши кўзғатилган.

**Маълумот учун:** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тақдим этган маълумотларга кўра 2018 йил ва 2019 йилнинг 6 ойи мобайнида туғруқ комплексларида фуқаролар 211 та ҳолатда ўз фарзандидан воз кечгани қайд этилган.

## ОЛТИНЧИДАН:

Қонунчиликда фарзандликка олишининг соддалаштирилган тартиби мавжуд эмас. Мазкур ҳолат яқин қариндошлар фарзандликка олишининг одатдаги тартиби билан бир хил жараёнлардан ўтишига, расмийлаштириш муддатларининг узайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли болаларни фарзандликка олишдан кўра васийликка олиш ҳолатлари сони ошиб бормоқда.

**Маълумот учун:** Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг маълумотига кўра 2019 йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида 1785 нафар бола фарзандликка, 2439 нафари васийликка, 1085 нафари ҳомийликка, 114 нафари оиласига (патронат) тарбияга берилган.

Хорижий давлатлар, жумладан, Қозогистон қонунчилигига қарайдиган бўлсақ, унда болаларни уларнинг яқин қариндошларига фарзандликка беришнинг соддалаштирилган тартиби белгиланган. Шунингдек, чет эл фуқаролари томонидан Қозогистон фуқароларини фарзандликка олишнинг тартиби ҳам алоҳида белгиланган.



## | ЕТТИНЧИДАН:

Болаларни фарзандликка бериш ёки олиш тўғрисида якуний қарорга келишада ҳамда уларнинг фарзандликка олинаётган оиласда ўзи хоҳлаганидек ҳаёт кечириши мумкинлигига ишонч ҳосил қилиш учун болани фарзандликка олган шахсларга синон муддатини белгилаш тартиби мавжуд эмас.

Масалан, Германияда фарзандликка олишда хатога йўл қўйишнинг олдини олиш учун болани фарзандликка беришдан аввал «ғамхўрлик вақти»

ёки «кўшимча вақт» деб аталувчи (қоида тариқасида бу муддат бир йилгача давом этади) вақт жорий этилган. Мазкур вақт якунида боланинг у фарзандликка олинаётган оиласга қанчалик мослашганлиги, бу оиласга бериш ҳақиқатан ҳам унга фойдали эканлиги тўғрисида хулоса қилинади.

Малайзияда эса «Фарзандликка олиш тўғрисида»ги қонун (унинг нормалари ахолининг ислом динига эътиқод қилувчи қатламига нисбатан

татбиқ этилмайди) амалда бўлиб, унга кўра фарзандликка олиш суд тартибида амалга оширилади. Шунингдек, суд томонидан оралиқ буйруқлар чиқарилиши мумкин. Мазкур буйруқقا мувофиқ суд болани фарзандликка олиш ҳақиқатан ҳам унинг манфаатларига мослигини аниқлаш мақсадида бойдан кам, лекин икки йилдан кўп бўлмаган муддатга болага ғамхўрлик қилиш даврини белгилайди.



Юқорида күрсатилған ҳуқуқий бўшлиқлар ва қонунчиликдаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳамда хорижий мамлакатларнинг илфор тажрибасидан келиб чиқиб, қўйидагилар таклиф этилади:

**1.** «Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оиласа тарбияга олиш (патронат) тўғрисида»ги низом нормаларини амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштирган ҳолда фарзандликка олиш суд томонидан амалга оширилиши билан боғлиқ ўзгартиришлар киришиш лозим.

**2.** Фарзандликка олувлар учун қўйиладиган талабларни уларнинг ёш, оиласий аҳволидан келиб чиқиб, кенгайтириш, **бунда:**

- фарзандликка олишга номзодлар учун белгиланган энг кичик ёшни белгилаш;
- оиласининг моддий ва ижтимоий аҳволини, шу жумладан, муқим яшаш жойига эга бўлиши ҳамда муқаддам никоҳдан акралган шахслар томонидан болаларни фарзандликка олишнинг тартибини кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

**3.** Халқ таълим вазирлиги ҳузурида ёки ундан мустақил равишда васийлик ва ҳомийлик масалалари билан шуғулланувчи алоҳида органни ташкил этиш;

**4.** Фарзандликка олишни истовчилар учун янада қулайлик яратиш ҳамда манфаатлар тўқнашувини камайтириш мақсадида фарзандликка олиш бўйича тегишли ҳужжатларни Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклда ва ҳудудий давлат хизматлари марказлари орқали қабул қилиш тартибини жорий қилиш;

**5.** Режалаштирилмаган ҳомила натижасида юзага келаётган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида бир ёшгача бўлган болаларни фарзандликка беришининг алоҳида тартибини жорий қилиш, бунда фарзандликка олишнинг «оиласан – оиласа» тизимини яратиш лозим. Бу тизим туғрүк комплексларида ўз фарзандидан воз кечиш ва боласини сотишга уриниш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қиласди. Мазкур ҳолатда болани фарзандликка бериш ҳеч қандай моддий манбаатни кўзламаган ҳолда суд томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

**6.** Қонунчиликда фарзандликка олишнинг соддалаштирилган тартибини белгилаш;

**7.** Болаларни фарзандликка бериш ёки олиш тўғрисида якуний қарорга келинишини таъминлаш, уларнинг фарзандликка олинаётган оиласа ўзи хоҳлаганидек ҳаёт кечириши мумкинлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида болани фарзандликка олган шахслар учун синов муддатини белгилаш ёки маълум муддатга патронатга бериш тартибини жорий этиш зарур.

Адиба САФАРОВА,  
Нурбек ТОШКАНОВ,


Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти  
масъул ходимлари



# Экология кодекси

## хориж амалиёти ва тақрибий лойиҳа

Президент Шавкат  
Мирзиёевнинг 2020 йил  
24 январда Олий Мажлисга  
Мурожаатномасида саноат  
ривожининг экологияга салбий  
таъсирининг олдини олишга  
доир комплекс чора-тадбирлар  
дастурини ишлаб чиқиш,  
шунингдек, нуфузли ҳалқаро  
экспертларни жалб этган  
ҳолда 1 октябрга қадар  
Экология кодекси лойиҳасини  
тайёрлаш зарурлиги  
ҳақида билдирган  
фирклари мамлакатимизда  
экологияга оид қонунчиликни  
такомиллаштириш борасида  
янги даври бошлаб берди.



Мамлакатимизда табиий ресурслардан оқиона фойдаланиш ва уларни экологик-хуқуқий муҳофаза қилишининг зарур хуқуқий базаси яратилган. Ҳусусан, конституциямизнинг 50-моддасида «Фуқаролар атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишига мажбурдирлар», 55-моддасида «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табият заҳиралари умуммиллий бойлиқдир, улардан оқиона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир» деган қоида мустаҳкамлаб кўйилган, экологияга оид 30 дан зиёд қонун ва 1000 га яқин бошқа норматив ҳуҗжатлар қабул қилинган.

Таъкидлаш ўринлики, шу кунгача экологик қонунчилик тизимида Экология кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш масаласида айrim илмий-назарий фирмлар илгари сурилган бўлиб,

кодексни ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг бир қанча вариантлари мавжуд.

**Биринчи лойиҳа** экология қонунчиликини тубдан ўзгартириш, шу билан бир қаторда уни бошқача таҳрирда, яъни «Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Табиятдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлар шаклида қабул қилиш таклиф этилган эди.

**Иккинчи лойиҳа** ягона Экология кодекси қабул қилиниши билан боғлиқ бўлиб, Экология кодексининг аниқтизими таклиф этилган фирмлар ҳам мавжуд эди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, экологик қонунчиликнинг бугунги ҳолати ҳамда Ўзбекистоннинг экологик сиёсати яқин истиқболда экологик қонунчиликни кодифика-



циялашни тақозо этмоқда. Ушбу масалага аксарият ўзбек хуқуқшунос олимлари ва жамоатчилик яқдиллик билан ёндашмоқда.

Шунингдек, сув ва ўрмон қонунчилигини тақомиллаштириш ҳам давр талабига айланниб улгурди. Бугунги кунда Марказий Осиёда, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам сув муаммоси анча кескинлашди. Бу, ўз навбатида, сув соҳасидаги муносабатларни хуқуқий тартибга солиш асосларини замон талаблари билан ҳамнафас ҳолда қайта кўриб чиқиши тақозо этади. Ўзбекистондаги ҳозирги экологик вазият ўрмон қонунчилигини тақомиллаштиришни ҳам талаб қиласди. Ушбу соҳадаги қонунчилики тақомиллаштиришда уларни кодификациялаш ўйлидан бориши мақсадга мувофиқ. Зотан, МДҲ мамлакатларининг аксариятида Ўрмон ва Сув кодекслари амал

қиласди. Шунингдек, бундай амалиёт Ўзбекистон учун ҳам янгилик эмас.

Экологик муаммоларни, айниқса, трансчегаравий тусдаги масалаларни ҳал этишда халқаро ҳамкорлик масаласига ҳам эътибор қарашти лозим. Бизнингча, Марказий Осиё мамлакатлари трансчегаравий экология музаммоларни ҳал этиш борасида фаолиятини мувофиқлаштириб, айнан ушбу масалага бағишиланган ҳолатлар Экология кодексида ўз ифодасини топиши ва бу соҳада алоҳида конвенция қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Экология кодекси қабул қилиниши билан бир қатор экологик қонунлар тизимида катта ўзгаришлар бўлиши ва айрим нормалар бекор бўлиши мумкин. Шундай экан, бу соҳада хорижий мамлакатлар тажрибасидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

## ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ:

Экологик қонунчиликни тизимлаштириш натижасида

Экология кодексини қабул қилган хорижий давлатлар тажрибаси эътиборга лойик.

**Швеция** экологик қонунчиликни кодификациялаш бўйича муайян тажрибага эга давлат. Мамлакатда 1999 йил 1 январдан кучга кирган Атроф мухит кодекси атроф табиий мухит тўғрисидаги қонунчилик доирасини белгилаб берувчи яхлит хужжатдир. Кодекс бир қатор ордонанс (қарор)лар ва уларга мувофиқ чиқарилган ўйриқномалар билан биргалиқда амал қиласди (*The Swedish Environmental Code.A resume of the text of the Swedish Environmental Code.*//[www.sweden.gov/www.sweden.gov.se](http://www.sweden.gov/www.sweden.gov.se)).

Ушбу хужжат хуқуқий тартибга солиш доираси анча кенглиги билан тавсифланади. У атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш билан бир қаторда табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича нормаларни ҳам қамраб олган. Бундан ташқари, кодексга аҳолининг санитария-эпидемиологик хотиржамлигини таъминлаш билан боғлиқ қоидалар ҳам киритилган. Кодекс у қабул қилингунга қадар амалда бўлган ҳамда у қабул қилиниши билан ўз кучини йўқотган 15 та қонунни: таби-

ий ресурслар; атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш; чиқондиларни сувга оқизиш; қишлоқ хўжалиги ерлари бошқаруви; жамоавий санитария-гигиена; қайта ишлаш; соғлиқни муҳофаза қилиш; сув; пестицидлар (ўрмон ерларига қўлланиладиган); кимёвий маҳсулотлар; атроф табиий мухитга зарар етказиш; табиатни муҳофаза қилиш; биологик пестицидлар (дастлабки тестдан ўтказиш); генетик модификациялашган организмлар; флора ва фауна тўғрисидаги қонунларни ўзида мужассамлаштирган (*Duner K. The Environmental Code // Swedish Environmental Protection Agency. 8 June 2004*).

**Франция**нинг Экология кодекси умумий ва маҳсус қисмлардан (975 модда) иборат. Умумий қисм (биринчи китоб) принциплар, қонуннинг мақсади, экологик жавобгарлик масалаларини қамраб олган. Маҳсус қисм (иккинчи олтинчи китоблар) табиатни, ўрмонларни, сув, ҳавони муҳофаза қилишни тартибга солади.

Франция Экология кодексининг 1-моддаси биологик хилма-хиллик ва биологик мувозанатни умуммиллий мероснинг таркибий қисми деб эълон қиласди.

Унинг қонунчилик қисми 7 китобдан (*Livre*) иборат.

**I китоб** «Умумий қоидалар» деб номланиб, 5 бўлимдан (*Titre*) ташкил топган: асосий принциплар (I бўлим), ахборот ва фуқаролар иштироқи (II бўлим), ташкилотлар (III бўлим), атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ассоциациялар (IV бўлим), молиявий қоидалар (V бўлим). Биринчи китобда шунингдек, ҳаво, чиқиндилар, сув, кимёвий ва ген инженериясига таалуқли бўлган атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга оид кўрсатмалар ўз аксини топган. Биринчи китобдаги яна бир бўлим экологик алоқалар, маъмурий ва жиноий жавобгарлика оид муносабатларни тартибга солади (*Кромакер П. О чудо-кодексе Франции // Экологическое право. - Москва, 2002.-№ 5. - С. 39-40.*).

**II китоб** «Жисмоний муҳит» деб номланниб, 2 бўлимдан иборат: сув ва сув муҳити (I бўлим), ҳа-во ва атмосфера (II бўлим).

«Табиий муҳит» деб номланган **III китоб** 6 бўлимдан иборат: табиий бойликларни ҳисобга олиш ва баҳолаш (I бўлим); соҳил бўйи (II бўлим); парк ва қўриқҳоналар (III бўлим); участкалар (IV бўлим); пейзажлар (V бўлим); табиатда бўлиш (VI бўлим).

**IV китоб** «Фауна ва флора»га бағишлиланган бўлиб, 3 бўлимдан ташкил топган: флора ва фауна мухофаза қилиш (I бўлим); ов қилиш (II бўлим); чучук сувда балиқ овлаш ва сув-балиқ ресурслари бошқаруви (III бўлим).

«Ифлосланиш, таваккалчилик ва зарарнинг олдини олиш» деб номланувчи **V китоб** ҳажман энг иириги бўлиб, 8 бўлимни қамраб олади: атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун курилмалар тоифалари (I бўлим); кимёвий маҳсулотлар ва биоцидлар (II бўлим); генетик ўзгартирилган (модификацияланган) организмлар (III бўлим); чиқиндилар (IV бўлим); айрим курилма ва иншотлар учун алоҳида қоидалар (V бўлим); табиий таваккалчиликларнинг олдини олиш (VI бўлим); товушли тўсикларнинг олдини олиш (VII бўлим); ҳаёт шарт-шароитларини муҳофаза қилиш (VIII бўлим).

**VI китоб** «денгиз орти ҳудудлар» (Янги Каледония, Француз Полинезияси ва бошқалар) билан боғлиқ қоидаларни мустаҳкамлайди.

**VII китоб** эса Антарктикада атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бағишиланган.






Экология соҳасидаги муносабатларни Экология кодекси воситасида тартибга солувчи давлатлардан яна бири **Кот д'Ивуар** ҳисобланади. Мазкур мамлакатда Атроф мухит кодекси (Code de l'Environnement Republique de Cote D'Ivoire. Loi n° 96-766 du 3 octobre 1996.) 1996 йил 3 октябрда қабул қилинган бўлиб, у жаман кичик, яъни 6 бўлим ва 113 моддадан иборат. Кодекс ўта оддий бўлиб, қисмларга ажратилмаган, балки тўғридан-тўғри бир қанча бўлимлардан ташкил топган: яъни асосий тушунчалар, унинг мақсад ва амал қилиш доираси (1-бўлим), мухит (2-бўлим), умумий принциплар (3-бўлим), давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг мажбуриятлари (4-бўлим), жавобгарлик (5-бўлим), якуний қоидалар (6-бўлим)дан иборат.

**МДҲ** мамлакатлари ичдиа **Қозоғистон** биринчилардан бўлиб Экология кодексини қабул қилди (2007 йил 9 январь).

Қозоғистон Республикаси Экология кодекси (*Қозоғистон Республикаси Атроф мухитни муҳофаза қилиш вазирлигининг расмий сайти:// http://www.nature.kz/ru/strategy/ecologycode*) 9 бўлим, 47 боб ва 326 моддадан ташкил топган. У ўзида «Атроф мухитни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Экологик экспертиза тўғрисида», «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунларни жамлаган. Таъкидлаш жоизки, унда кодификациялаш учун ҳужжатларни тан-

лашда алоҳида изчилилк, кетма-кетлик кузатилмайди. Хусусан, Экология кодексида кодификацияланмаган «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонун ҳали ҳам амал қилмоқда. Шунга кўра, Экология кодексининг қабул қилиниши Қозоғистоннинг амалдаги экологик қонунчилиги ҳажмини салмоқли қисқартирумади.

Экология кодекси умумий қоидалар (1-бўлим), атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш, экологик меъёrlаш, атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш соҳасини техник тартибга солиш, атроф табиий мухитта таъсирни баҳолаш, экологик экспертиза, экологик руҳсат бериш, экологик аудит (2-бўлим), атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишини иқтисодий тартибга солиш (3-бўлим), экологик назорат (4-бўлим), экологик мониторинг ва кадастр (5-бўлим), фавқулодда экологик вазият ва экологик оғат зоналари (6-бўлим), экологик таълим ва маориф, илмий тадқиқотлар ва атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик (7-бўлим), хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошириш соҳасида экологик талаблар (8-бўлим), экологик ҳукукбузарзлик учун жавобгарлик ва экологик низоларни ҳал этишига (9-бўлим) оид нормалар мажмуuidан ташкил топган.





### **Экология кодексининг умумий қоидалари:**

- исботлаш мажбурияти тамойили – у ёки бу фаолиятни режалаштираётган ёки амалга ошираётган шахс кодекснинг «Умумий қоидалар»га бағишиланган 2-бобидан келиб чиқувчи мажбуриятларга риоя этилганини исботлаши шартлигини назарда тутади;
- маҳсус билим талаб этилиши тамойили – унга мувофиқ мұайян фаолиятни амалга оширувчи шахс фаолият ҳажми ва тавсифидан келиб чиқувчи зарур экологик билимларга эга бўлиши лозим;
- эҳтиёткорлик тамойили – кодексдаги фундаментал асосий қоидалардан бири бўлиб, зарар ёки зиён етказиш таваккалчилиги инсон саломатлиги ва атроф табиий мұхитта салбий таъсирнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш бўйича зарур чораларни кўриш мажбуриятини келтириб чиқаришини билдиради;
- янги замонавий технология ва инновациялардан фойдаланишда энг яхши ва мақбулини қўллаш тамойили;
- «ифлослантирувчи тўлайди» тамойили;
- муносиб жойлаштириш тамойили – фаолият амалга оширилиши мўлжалланаётган ҳудуднинг кодексдаги ер ва сувни бошқаришга тааллуқли мақсад ва қоидаларга мос келиши лозимлигини англаради;
- ресурслар ва экологик циклни бошқариш тамойили, унга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёни хомашё ва энергиядан самарали фойдаланиш ҳамда истеъмол ва чиқиндини камайтиришни таъминлайдиган тартибида амалга оширилиши лозим;
- маҳсулот танлаш тамойили – унга биноан инсон саломатлиги ва атроф табиий мұхит ҳолати учун хавф соладиган кимёвий маҳсулотлар сотиш ёки ишлатишдан тийилиш даркор;
- оқилюналиқ тамойили – барча баҳолаш қоидалари фойда ва зарар нүктай назаридан қўлланиши;
- «яшил иқтисодиёт ва экологик дипломатия» талаблари асосида экологик хавф сизлигни таъминлаш тамойилларини қамраб олиши мақсадга мувофиқдир.



## Экология кодексининг тақрибий лойиҳаси

Юқоридагиларни инобатга олиб, Экология кодексининг  
қўйидаги тақрибий лойиҳаси таклиф этилмоқда:

### **УМУМИЙ ҚИСМ.**

**Биринчи бўлим.** Умумий қоидалар. 1-боб. Асосий қоидалар; 2-боб. Жисмоний шахслар, жамоат ташкилотлари ва Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги органларининг ҳукуқ ва мажбуриятлари; 3-боб. Давлат органларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари.

**Иккинчи бўлим.** Атроф-муҳитни муҳофaza қилиш соҳасида лицензиялаш, сертификатлаштириш, стандартлаштириш, меъёrlаши. Экологик экспертиза ва экологик аудит. 4-боб. Экологик меъёrlаши; 5-боб. Атроф-муҳитни муҳофaza қилиш соҳасидаги техник талабларни тартибга солиш; 6-боб. Атроф-муҳитни муҳофaza қилишини баҳолаш; 7-боб. Экологик экспертиза; 8-боб. Экологик лицензиялаш ва сертификатлаштириш; 9-боб. Экологик аудит.

**Учинчи бўлим.** Атроф-муҳитни муҳофaza қилиш ва табиатдан фойдаланишини иқтисодий тартибга солиши. 10-боб. Атроф-муҳитни муҳофaza қилиш ва табиатдан фойдаланишининг иқтисодий механизmlари; 11-боб. Атроф-муҳитга етказилган заарни қоплаш; 12-боб. Экологик суғурулалаштириш.

**Тўртинчи бўлим.** Экологик назорат. 13-боб. Атроф-муҳитни муҳофaza қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни тиклаш соҳасида давлат назорати. 14-боб. Ишлаб чиқариш экологик назорати. 15-боб. Инспекциявий экологик назорат. 16-боб. Жамоат экологик назорати.

**Бешинчи бўлим.** Экологик мониторинг ва кадастри. 17-боб. Атроф-муҳитни муҳофaza қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида мониторинг. 18-боб. Атроф-муҳитни ифлослантириш участкаларининг давлат учети. 19-боб. Давлат ер кадастри. 20-боб. Фойдали қазилма конлари, белгилари ва техноген ҳосилалар давлат кадастри. 21-боб. Давлат сув кадастри. 22-боб. Давлат ўрмон кадастри. 23-боб. Ўсимликлар дунёси объектлари давлат кадастри. 24-боб. Ҳайвонот дунёси давлат кадастри. 25-боб. Муҳофaza этиладиган табиий худудлар давлат кадастри.

26-боб. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри. 27-боб. Давлат шаҳарсозлик кадастри. 28-боб. Гидротехника иншоотлари давлат кадастри. 29-боб. Тарихий ва маданий ёдгорликлар давлат кадастри. 30-боб. Автомобиль йўллари давлат кадастри. 31-боб. Темир йўллар давлат кадастри. 32-боб. Транспорт қувурлари давлат кадастри. 33-боб. Алоқа обьектлари давлат кадастри. 34-боб. Энергетика обьектлари давлат кадастри. 35-боб. Чиқиндиilarни кўмиб ташлаш ва утиллаштириш жойлари давлат кадастри. 36-боб. Табиий ҳавфи юқори бўлган тегралар давлат кадастри. 37-боб. Техноген ҳавфи юқори бўлган тегралар давлат кадастри. 38-боб. Картография-геодезия давлат кадастри. 39-боб. Ҳудудлар давлат кадастри.

**Олтинчи бўлим.** Фавқулодда экология вазияти ва экология оғати минтақалари. 40-боб. Айрим худудларни фавқулодда экология вазияти ва экология оғати минтақалари деб эълон қилиш тартиби ва тушунчаси. 41-боб. Фавқулодда экология вазияти ва экология оғати минтақаларини ҳукуқий тартибга солишининг ўзига хос хусусиятлари.

**Еттинчи бўлим.** Экологик таълим-тарбия ва иммий тадқиқотлар. 42-боб. Экологик таълим-тарбия, мутахассисларнинг малакасини ошириш. 43-боб. Экологик иммий тадқиқотлар. 44-боб. Экологик таълим-тарбия олиб боришининг усулари, формаси ва ўзига хос хусусиятлари.

### **МАХСУС ҚИСМ.**

**Саккизинчи бўлим.** Ҳўжалик ва бошқа фаoliytni юритишида экологик талаблар. 45-боб. Экологик талаблар тўғрисида умумий қоидалар. 46-боб. Ҳўжалик ва бошқа фаoliytni юритишида умумий экологик талаблар. 47-боб. Ердан фойдаланиши ва уни муҳофaza қилишдаги экологик талаблар. 48-боб. Сувдан фойдаланиши ва уни муҳофaza қилишдаги экологик талаблар. 49-боб. Ер ости бойликларидан фойдаланиши ва уларни муҳофaza қилишдаги экологик талаблар. 50-боб. Ўрмонлардан фойдаланиши ва уларни муҳофaza қилишдаги экологик талаблар. 51-боб. Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиши ва уларни муҳофaza қилишдаги экологик талаблар. 52-боб. Ўсимлик



дунёсідан фойдаланиш ва уларни мұхофаза қилиціздегі экологик талаблар. 53-боб. Мұхофаза этиладын табиий худудлардан фойдаланиш ва уларни мұхофаза қилиціздегі экологик талаблар. 54-боб. Оролбүйін мінтақаларини мұхофаза қилиціздегі ахоли генофонди, үсімлік ва ҳайвонот оламига тәъсир күрсатадын фаолиятни амалға оширишдегі экологик талаблар. 55-боб. Чиқындилар билан мұомалада бўлишдеги экологик талаблар. 56-боб. Атмосфераны мұхофаза қилиціздегі экологик талаблар. 57-боб. Радиация хавфсизлігін таъминлашдегі экологик талаблар. 58-боб. Хавфли кимёвий, биологияк, генимодификациялаштирилган мөдделарни ишлаб чиқыншдегі экологик талаблар. 59-боб. Микронутриент мөдделарни ишлаб чиқыншдегі экологик талаблар. 60-боб. Бүгхона ва иссиқхона газлари ташламалари инвентаризацияси ва эмиссияси соҳасидегі фаолиятни тартыбга солиш.

**ТҮҚКИЗИНЧИ БҮЛІМ.** Табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-мухитни мұхофаза қилиціш соҳасидегі халқаро ҳамкорлық. 61-боб. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-мухитни мұхофаза қилиціш соҳасидегі халқаро ҳамкорлық тамойиллари ва йўналишлари. 62-боб. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-мухитни мұхофаза қилиціш соҳасидегі тартибга солиш. 63-боб. Табиий

ресурслардан фойдаланиш ва атроф-мухитни мұхофаза қилиціш соҳасидегі халқаро низолар ва уларни кўриб чиқиши хусусиятлари.

**ҮНИНЧИ БҮЛІМ.** Экологик ҳуқуқбузарларлар учун жавобгарлик ва экологик низоларни ҳал қилиціш тартиби. 64-боб. Экологик қонун талабарини бузгандарлик учун юридик жавобгарлик турлари. 65-боб. Экологик низоларни кўриб чиқишининг процессуал хусусиятлари. 66-боб. Якунловчи қоидалар.

### Хулоса ўрнида

Мамлакатимизнинг географик ва экологик хусусиятларини инобатта олган ҳолда Экология кодексини қабул қилиціш давр талаби. У экологик қонунчиликни такомиллаштириш ва экология билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда, миллий экологик қонунчиликни халқаро андозалар талабларига мослаштиришда мұхим аҳамияттагы касб этади.

Зеро, Экология кодексининг қабул қилинishi бизни ўраб турған она табиатни ҳозирги ва келажак авлодлар учун асрарш, мұхофаза килиш, соғломлаштириш, ахолининг қулагай атроф табиий мухиттега эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, барқарор ривожланиш ва экологик хавфсизликка хизмат қиласиди.


**Жуманазар ХОЛМЮМИНОВ,**

ТДЮ «Экология ва аграр ҳуқуқи» кафедраси профессори, юридик фанлар доктори



# Муқаммал қонунлар тараққиёт гарови

Хуқуқий демократик давлат барпо этиб, жамиятда конституция ва қонун устуворлигига эришиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичига қадам кўйди.



Янги босқичда амалга оширилаётган ислоҳотлар ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган десак муболага бўлмайди. Асосий мақсад – одамларни рози қилиш. Коррупцияга қарши аёвсиз курашиб. Инсон шаъни, қадр-қимматини улуғлаш. Мамлакатда ҳукм сурэйтган тинчликни янада мустаҳкамлаш. Аҳолининг турмуш даражасини кўтариш. Иқтисодиётни юксалтириш. Жамиятда илм, маърифатни юксак чўққиларга олиб чиқиши...

Албатта, бу рўйхатни биргина мақолага сифдириш, унинг аҳамиятини очиб бериш қийин.

Шу боис фақат ислоҳотларнинг ҳаётга татбиқ этилишида муҳим аҳамият касб этган норматив-хуқуқий ҳужжатлар хусусида фикр билдиримоқчимиз.

«Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» ги қонун 2012 йил 24 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган. Унинг З-моддасига кўра, норматив-хуқуқий ҳужжат ушбу қонунга мувофиқ қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатdir.

## НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ЕТТИТА ТУРИ БОР.

Биринчиси – Ўзбекистон конституцияси.

Иккинчиси – Ўзбекистон қонунлари.

Учинчиси – Ўзбекистон Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари.

Тўртинчиси – Ўзбекистон президентининг фармон ва қарорлари.

Бешинчиси – Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

Олтинчиси – вазириклар, давлат қўмиталари ва идораларининг буйруқ ва қарорлари.

Еттинчиси – маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Ўзбекистонда конституция ва қонунларнинг устуворлиги сўёзиз тан олинади. Мамлакат конституцияси олий юридик кучга эга ва Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида кўлланади. Давлатнинг қонунлари ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлари конституция асосида қабул қилинади ҳамда унинг норма ва принципларига зид келиши мумкин эмас.

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар одатда қонун ҳужжатлари деб ҳам аталади ва улар Ўзбекистон қонун ҳужжатлари мажмуини ташкил қиласди. Қонун ҳужжатлари асосан иккى тоифага бўлинади. Биринчисига қонунлар, иккинчисига қонуности ҳужжатлари киради. Шундай қилиб, Ўзбекистон конституцияси ва қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари қонунлар саналади. Қо-

нуности ҳужжатлар сирасига эса президентнинг фармон ва қарорлари, ҳукуматнинг қарорлари, вазириклар, давлат қўмиталари ва идораларининг буйруқ ва қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари киради.

Дунёнинг кўп демократик давлатларида қонун ҳуқуқининг асосий манбаи ҳисобланади. Ҳозирги замон юридик фани ва амалиётида қонун сўзи икки хил маънода кўлланади. Биринчиси – парламент томонидан (ёки референдум орқали) маҳсус тартибга мувофиқ қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжат. Иккинчиси – ҳар қандай давлат органининг ўзида юридик нормаларни, мажбурий юриш-туриш қоидаларини мужассам этган юридик акти ёки норматив ҳужжати.

## ШУНДАЙ ЭКАН, ҲУҚУҚИНГ ЕТАКЧИ МАНБАИ СИФАТИДА ҚОНУННИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

**Биринчидан**, қонун – ўзида ҳуқуқ нормаларини мужассам этган норматив ҳужжат.

Қолаверса, қонун давлат ҳокимияти олий органи (парламент, президент, ҳукумат, олий суд ва бошқалар) ёки умумхалқ қонун ижодкорлигининг самарасидир.

**Иккинчидан**, қонун жамиятдаги ўзига хос, энг мухим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Шунингдек, қонун олий юридик кучга эга, бу жиҳат уни қабул қилган органдан ташқари ҳеч қайси орган ёки мансабдор қонунни бекор қила олмаслигида ҳамда бошқа қонуности ҳужжатлари қонунга зид бўлмаслигида намоён бўлади.

**Учинчидан**, қонун фундаментал аҳамиятга эга юридик ҳужжат. У бошқа давлат органлари ва судларнинг қонун ижодкорлиги учун маёқ, асос бўлиб хизмат қиласди.



Парламент тизимига эга давлатда қонунчиллик тизимининг шаклланиши ҳам табиий жараён. Жамият қанча ривожланган бўлса, унда сифатли қонунларга шунчагатта эҳтиёж сезилади. Содда қилиб айтганда, қонуннинг мазмуни энг аввало ҳуқуққа асосланган, яъни инсоннинг узвий, ажralmas ва табиий ҳуқуқларига мувофиқ бўлиши шарт.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш деганда давлат ва жамият ишларини бошқаришда ўзбошимчалик билан иш тутишга йўл қўйилмаслиги Англашибади. Яъни, ҳокимият органлари ва мансабдорларининг қонунларда назарда тутилганидан ташқари ҳар қандай ҳолатда инсонларнинг шахсий ҳаётига аралашувига йўл қўйилмайди.

«Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги қонунга мувофиқ қонун лойиҳаларини тайёрлашда Ўзбекистон конституцияси, қонунлари ҳамда ҳалқаро шартномаларининг принципи ва нормалари ҳисобга олинади. Лойиҳалар қонунчилик техникаси қоидаларига мос бўлиши керак. Акс ҳолда, бундай қонун лойиҳаси мухомма қилинмайди.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш унинг концепциясини ишлаб чиқишидан бошланади. Концепцияда, биринчидан, юзага келган ижтимоий муносабатни ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий ғояси, мақсади ва предмети; иккинчидан, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг амалда бўлган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳхилини иловга қилинган умумий тавсифи; уччинчидан, қонун лойи-

ҳасини ишлаб чиқиш зарурияти ва лойиҳанинг асосий қоидалари; тўртинчидан, бўлғуси қонуннинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа оқибатлари таҳмини белgilanishi керак.

Қонун лойиҳаларини тайёрлашда ҳалқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принцип ва нормалари ҳисобга олинини, шунингдек, қонун билан тартибга солиш борасида бошқа давлатларнинг тажрибаси ўрганилиши лозим.

Бу вазифалар қонун талабларига мувофиқ биринчи навбатда қонунчилик ташабbusi ҳуқуқига эга субъектлар томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон конституциясининг 83-моддасига мувофиқ қонунчилик ташабbusi ҳуқуқига Ўзбекистон президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпогистон Республикаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Конституцияий суд, Олий суд, Бош прокурор эгадир ва улар бу ҳуқуқни қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширади.

Яна бир муҳим жиҳати бор. «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги қонунга мувофиқ қонунчилик ташабbusi ҳуқуқи субъекти лойиҳани Қонунчилик палатасига кириттунига қадар жамоатчилик фикрини ўрганишни, шу жумладан, фуқаролик жамияти институтларининг ва илмий-тадқиқот мусасасаларининг вакиллари иштирокида ўрганишни ташкил этишга ҳақлидир. Қонун лойиҳаси бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш тартиби ва шакли қонунчилик ташабbusi ҳуқуқи субъекти томонидан мустақил белgilanadi.



## «НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИНГ БИР ҚАТОР ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ МАВЖУД.

Биринчидан, ушбу қонунда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш учун асос бўлмаслиги ва ҳуқуқий оқибатга олиб келмаслиги, шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мансабдорлари давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни жорий этгани учун маъмурий жавобгарликка тортилиши белgilanang. Албатта, бу мансабдорларнинг ушбу соҳадаги масъулиятини янада оширишга хизмат қиласди.

Иккинчидан, қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатига ва эълон қилинишига ҳам қўшимча талаблар белgilanang. Хусусан, қонун лойиҳасини уни қабул қилувчи органга киритаётганда ҳалқаро ҳужжатларнинг ва чет мамлакатлар қонун ҳужжатларининг, Ўзбекистон қонун ҳужжатларининг тегишли қоидаларини, муайян ҳалқаро тажрибани Ўзбекистонда қўллаш мақбуллиги тўғрисидаги асосли таклифларни кетма-кетлик тартибида кўрсатган ҳолда таҳлилий-қиёсий жадвалларни тайёрлаш шарт. Бундай жадвалсиз киритилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилмайди.

Учинчидан, қонунда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг электрон шакллари уларнинг расмий сайтларида эълон қилиниши шартлиги белgilanang, бу фуқароларнинг қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида тезкор ахборот олишида муҳим аҳамият касб этади.



Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатни, энг аввало қонунни тайёрлаш ва қабул қилиш кўп босқичли, серманашақат жараён бўлиб, унинг лойиҳасини тайёрлашга масъул бўлган ваколатли шахслардан жуда юқори масъулиятни, малака, билим ва тажрибани талаб қиласди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга қилган мурожаатида белgilab берилган кенг қамровли ислоҳотларни амалга оширишда энг аввало сифатли қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиши ва қабул қилиш, ижросини самарали ташкил этиши муҳим аҳамиятга эга.

**Худоёр МАМАТОВ,**  
юридик фанлар доктори, профессор



Жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз мұхитни шакллантириши, бу иллатни көлтириб чиқаруучи сабаб ва шароитларни бартараф этиши, жиноятында жазо мұқаррарларын таъминлаш әнгдолзарб масалалардан бирига айланғани – бүгунги күн ҳақиқати. Зоро, бу курашда ҳар бир бўғин фаол бўлмоғи талаб этилади. Хоссатан, мазкур йўналишда хориж амалиётини ўрганмоқ, таҳлил ва тадқиқ этмоқ устувор вазифаларимиз сирасига киради.

«Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендиати, айни пайтда Латвия Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат даромадлари хизмати ҳамда Riga техника университетидаги стажировка ўтаётган ватандошимиз – Саходулла ШОМИРЗАЕВ коррупцияга қарши курашиш элементларини Латвия мисолида таҳлил этган.



# Коррупцияга қарши курашишда Латвия тажрибаси



«Коррупцияга қарши кураш мезони «қамаш»лар миқдоридангина иборат эмас, шундай муҳит яратиш керакки, жамият ўзини барча хукуқбузарликлардан олиб қочсин».

Екабс Страуме,

Латвия Республикаси Коррупцияга қарши кураш ва унинг олдини олиш бюроси (KNAB) раҳбари

Ўтган асрнинг 90-йилларида Совет иттифоқи таркибида бўлган бошқа давлатлар сингари Латвияда ҳам коррупция даражаси юқори бўлган. Transparency International ноҳукумат халқаро ташкилотининг 1998 йил яқунлари мониторинги натижаларига кўра 85 та мамлакат орасида 71-ўринда турган 2015 йил яқунига келиб 38-ўринга кўтарилди. 2019 йилда эса 56 балл билан 44-погонани эгаллаган. Бу кўрсаткич 2017-2018 йилларга нисбатан 3 погона пастланган бўлса-да, Европа иттифоқига аъзо 27 давлат орасида 8 та давлатдан юқорида турганидан келиб чиқилса, Латвиянинг ўрни қониқарли эканини кўриш мумкин.

Мониторинг натижаларидан қатъи назар, Латвия коррупцияга қарши кураш борасида ўз ўйли ва тажрибасига эга. Бу мамлакатда эркинлик ва адолатни ҳис қилиш, инсонларнинг бир-бирига инсоф билан муносабатда бўлаётганини ҳамма ўз вазифасига вижданон ёндашаётганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Ўтган йиллар мобайнида Латвияда коррупцияга қарши кураш борасида қандай чора-тадбирлар амалга оширилди?

Аввало, мамлакатда антикоррупцияий таълимни жорий этишга жиiddий эътибор қаратилди. Бунга Европа иттифоқи ташаббуси билан Шарқий Европа мамлакатлари учун ишлаб чиқилган PHARE (французча – Pologne et Hongrie aide à la reconstruction économique – «Польша ва Венгрия: иктисолий тикланишга ёрдам») коррупцияга қарши курашиш дастурининг ижроси ўлароқ киришилди. Мазкур лойиҳа ҳозирга қадар давом этмоқда.

Бугун Латвия – антикоррупцияий таълим тизими олий ўкув ўртларида ҳам, мактабларда

ҳам яхши йўлга қўйилган мамлакат сифатида на-мума бўла олади.

Буни мамлакатда коррупцияга қарши курашиш тизимида муносиб ўрин тутувчи Латвия мустақил ўқув маркази фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Марказ Европа иттифоқининг қўллаб-қувватлаши орқали суд тизими барча фуқаролар, шу жумладан, ўқувчи ёшлар учун ҳам шаффоф бўлишини таъминлашга қаратилган қатор дастурлар ишлаб чиқди.

Шунингдек, Латвия таълим тизимида ёшлар ўртасида ҳалоллик ва вижданли бўлишини тарғиб қилиш, коррупция ва пораҳўрликнинг зарари тўғрисидаги тушунчаларни шакллантириш, ёш авлодни фуқаролик назоратига тайёрлашга қаратилган лойиҳа ҳам жорий қилинган. Ушбу лойиҳа доирасида мактаб ўқувчилари ўртасида турли мусобақалар уюштирилади. Мисол учун, 1-4-сinf ўқувчиларига ўқитувчилари ноинсофлик, виждансизлик эпизодлари бўлган эртак айтиб беради ва муҳокамага ташлайди. Бу жараёнда ҳамма болаларнинг фикри ёзиб олинниб, тайёрланган ижодий ишини «Коррупцияга қарши биргалиқда» шиори остида ташкилотчиларга юборишлари мумкин (<https://transparency.org.ru/projects/antikorruptionnoe-obrazovanie/praktiki-antikorruptionogo-obrazovaniya-v-evrope.html>).

Дастур иштироқчи-экспертларининг фикрича, коррупциянинг кенг тарқалиш сабабларидан



бири нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти таъсирининг етарли эмаслигидир.

Transparency international ташкилотининг Латвияда жойлашган бўлими ходимлари ҳар йили мамлакат бўйлаб коррупцияга қарши семинарлар ташкил этади. Бу семинарлар шунчаки расмиятчилик ва кўзбўймачилик учунгина ўтказилмайди, улар муайян антикоррупциявий механизmlарни яратишга бағишиланади.

Коррупцияга қарши курашдаги асосий омил давлатда сиёсий ироданинг мавжудлигидир. Латвияда бу кураш 1990-йиллар охири – 2000-йиллар бошида давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ўтиш даври иқтисодиёти жараёнида халқаро стандартлар асосида коррупцияга қарши курашиш бўйича йўл харитаси ишлаб чиқилди.

2001 йилда ҳукумат таркибида иккита кенгашни қайта ташкил этиш орқали тўғридан-тўғри Бош вазир (Латвияда вазирлар президенти деб аталади) (<https://www.mk.gov.lv/ru/amatpersonas>) раислик қиласидан Коррупция ва жиноятларнинг олдини олиш кенгashi тузилди. 2002 йилда эса ҳукумат ҳузурида Коррупцияга қарши кураш ва унинг олдини олиш бюроси (KNAB) ташкил этилди. 2002 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг хорижий мансабдор шахслар порахўрлигига қарши курашга доир конвенциясига кўшилди. Шунингдек, мазкур ташкилотнинг СИМЕ кўмитасининг халқаро ишибилармонлик муомалаларида порахўрликка қарши тузилган ишчи гурӯҳи билан мулоқот ўрнатди. Бундан мақсад ушбу йўналишда ташкилотнинг коррупцияга қарши кураш воситаарини кўллашда аниқ усулларни белгилаб олиш эди.

Бу ҳаракатлар давлат сиёсий иродасининг ташкилотлар ва уларнинг вазифалари ижро-си шаклида намоён бўлиши эди.

Ваҳоланки, мамлакатда 1997 йилдан бери коррупцияга қарши курашувчи турли тузилмалар ҳам, 1995 йилдан бери «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги қонун ҳам бор эди. Шунингдек, «Сиёсий партияларнинг молиялаштирилиши тўғрисида»ги, «Антикоррупциявий бюро тўғрисида»ги, «Мансабдор шахсларнинг фаолиятида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш тўғрисида»ги, «Мулкнинг дастлабки фиксацияси тўғрисида»ги, «Давлат харидлари тўғрисида»ги ва «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди, қонуний презумпция тамоили ишлаб чиқилди. Жиноят процессини мақбулаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Жиноят процессуал кодекси қайта кўриб чиқилди.

KNAB, яъни Коррупцияга қарши кураш ва унинг олдини олиш бюросининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси тавсиясига асосан Сейм (Латвия парламенти) томонидан тайинланади ([https://www.knab.gov.lv/upload/rus/zakon\\_o\\_knab.pdf](https://www.knab.gov.lv/upload/rus/zakon_o_knab.pdf)). Қонунга кўра, Вазирлар Маҳкамаси бюро раҳбарлигига очиқ танлов белгилashi мумкин, фақат номзод қонунда белгиланган талабларга жавоб бериши керак (Латвияда жуда кўп ҳолларда ташкилотлар раҳбарлигига очиқ танлов ўтказилиди). Бюро бошлиғи ўринбосарларидан тортиб, республика бўйича тизимдаги барча мансабдор шахсларни ўзи тайинлади ва лавозимидан озод қиласади. Бюро бошлигини лавозимдан озод қилиш зарурити туғилган алоҳида ҳолларда ҳукумат Бош прокурор ёки обер-прокурор бошчилигида комиссия тузади ва ишни кўриб чиқади.



**Коррупцияга қарши кураш ва унинг олдини олиш бюроси фаолиятининг  
асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:**

- коррупция билан боғлиқ жиноий қилмишларни фош этиш ва бартараф қилиш;
- мазкур йўналишда судга қадар тергов олиб бориш ва жиноий таъқибни муво-  
фиқлаштириш;
- мансабдор шахслар фаолиятини, белгиланган тақиқ ва чекловларни назорат қилиш;
- манфаатлар тўқнашуви юзасидан мансабдор шахсларни маъмурӣ жавобгарликка  
тортиш;
- сиёсий партияларни молиялаштириш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;
- антикоррупциявий стратегияни ишлаб чиқиш, коррупциянинг олдини олиш нуқтаи  
назаридан қонунчиликни таҳдил қилиш ва бошқалар.

Бюронинг 2016 йил биринчи ярмидаги фаолияти юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ва Сейм учун тайёрлаган ахборотига кўра (<https://www.knab.gov.lv/ru/knab/reports/>), ташкилотда 140 нафар ходим фаолият кўрсатган. Шу даврда бюронинг «ишионч телефони»га фуқаролардан 3499 та  
кўнғироқ бўлган.

Бюро фаолияти билан танишиш жараёнида қизиқ маълумотларга ҳам дуч келиш мумкин. Жумладан, 2019 йилнинг сентябрiddа Латвиянинг собиқ президенти Раймонд Вейонис (2015-2019-йиллар) коррупциявий жиноий қилмиш юзасидан гувоҳ сифатида терговга чақирилган. Шунингдек, бюро яна бир собиқ президент, мазкур бюорони ташкил этиш ҳақидаги қонунни имзолаган Вайра Вике-Фрейбергани (1999-2007-йиллар) президентлик даврида совға сифатида қабул қилган 850 евролик RADO соатини ўзлаштиргани, 2017 йилда эса ўзи учун қабристоннинг қиммат еридан жой акратиб олгани бўйича текшириш ўтказган. Яқинда, 2020 йилнинг 14 февраляда эса бюро мамлакат пойтахти Рига шаҳар думасида шаҳар бюджетидан 20 млн. европнинг нотўғри сарфланиши бўйича тинтуб ўтказди.

Жамиятда адолатсизликлар виждонсиз кишилар сабаб урчиди. Адолатсизликдан эса коррупция озиқланади, у авж олган жода иқтисодий ривожланиш бўлмайди.



Президент Шавкат Мирзиёев ўз маърузала-рида, мурожаатларида такрор ва такрор «адолат, адолат ва яна адолат» дейиши бежиз эмас. Мансабдор шахслар адолатли, фуқаролар виждонли бўлган жамиятда коррупцияга ўрин бўлмайди.

**Саҳодулла ШОМИРЗАЕВ,**

Давлат Бохона кўмитаси  
Бохона институти кафедра бошлиги



# Тиббиёт кодекси керак(ми?)



Мамлакатимизда фуқаролар соғлигини сақлашнинг ҳуқуқий асослари конституциявий қоидалардан келиб чиқади. Конституциянинг қатор нормаларида фуқаролар соғлигини сақлашга бевосита ёки билвосита оид бўлган муайян қоидалар белгиланган. Хусусан, конституциянинг 40-моддасига мувофиқ ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳукуқига эга.

Хўш, малакали тиббий хизмат нима ўзи? Унинг қандай мезонлари бор?



Асосий қонунимизнинг 40-моддасыда белгиланган ма-лакали тиббий хизмат аслида қандай бўлиши кераклиги бора-сида илмий жамоатчилик ягона тўхтамга келмаган. Фикримиз-ча, малакали тиббий хизмат деганда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, чуқур билимга эга бўлган, ихтинослашган, кучли салоҳияти кадрлар (шифокор-лар) орқали фуқароларнинг касаллигини даволаш, касал-ликларнинг олдини олиш, аҳо-лининг санитария осойишта-лигини сақлаш, давлатнинг назорат қилувчи функциялари-ни кўллаш билан тиббий тарь-лим ва даволаш-профилактика ишлари сифатини кафолатлаш, аҳолининг маълум қатламини кучли тиббий ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган, обьекти фақатгина фуқароларнинг соғлигини сақлаш бўлган тизим тушунилиши керак.

Унинг мезонлари эса соҳа-нинг мақсади ва обьектидан келиб чиқиб, фақатгина фойда олиш эмас, балки мақсади ва обьекти фуқароларнинг соғлигини сақлаш бўлган шоши-линч ва тез тиббий ёрдам, их-

тисослаштирилган даволаш, санитария профилактика муас-сасаларининг ташкил этилиши, шунингдек, шифохоналар, шошилинч ва тез тиббий ёрдам муассасалари аҳолининг транспортда ёки пиёда қисқа муд-датларда бориши мумкин бўлган жойда жойлашгани, соҳада замонавий даволаш, ташхис кўйиш усуллари, технология ва техникаларини қўллаш тарь-минлангани билан баҳоланиши лозим.

Юқорида қайд этилган конституциявий хуқуқ негизида 1996 йил 29 августда «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган.

Ушбу қонун билан соғлиқни сақлашнинг вазифалари ва асосий принциплари, хукумат ва маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари, соғлиқни сақлаш тизими, тиббий хизмат кўрсатиш шакллари, вояга етмагнлар, ногиронлар, ҳар-бий хизматчилик, фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тиббий хизмат кўрсатиш, тез ва ихтинослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш, тиббий фаолият билан шуғулла-

ниш, тиббий аралашув шартлари, яъни шахсни розилиги билан ёки розилигисиз тиббий текширудан ўтказиш шартла-ри, тиббий меҳнат ва суд тиббиёти, психиатрия эксперти-зали, тиббиёт ходимининг қасамёдига оид нормалар бел-гиланган.

**Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, конституция билан кафолатланган мала-кали тиббий хизматга оид мұносабатлар мазкур қонун-да тўлиқ қамраб олинмаган. Энг эътиборлиси, соғлиқни сақлашга оид ҳуқуқларни амалга ошириш, соҳага доир ваколатлар тарқоқ ҳолда қо-нун ва қонуности меъерий ҳужжатлар асосида белги-лаб келинмоқда.**

Хориж давлатлари тиб-биёт ҳуқуқининг фуқаро-лик-ҳуқуқий асослари ўрганилганда, ягона, тизимлаштирилган соғлиқни сақлаш ҳуқуқини ишлаб чиқиш замон талаби эканини кўриш мумкин.

## ХУСУСАН:

Франция ва АҚШда Тиббиёт этикаси кодекси, Россияда Врач-нинг профессионал этикаси кодекси қабул қилинган. Қозоғистонда Халқ соғлиғи ва соғлиқни сақлаш тизими кодекси, Тожикистанда эса Соғлиқни сақлаш кодекси қабул қилинган.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлашга оид кўплаб ислоҳотлар амалга оширилган ва соҳага жуда катта аҳамият берилган бўлса-да, ягона, тизимлаштирилган қонун қабул қилинмаган.

Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонунда малакали тиббий хизматдан фойдаланиш билан боғлиқ мұносабатларни тартибга со-лиш борасида кўплаб ҳаволаки

нормалар кўрсатилган. Жумладан, қонуннинг 32-моддасида «Ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган фуқароларга давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тегишли



даволаш-профилактика муасасаларида тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатилиди ва доимий тиббий кузатув таъминланади. Ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар рўйхати ва бундай касалликларга чалинган шахслар учун имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади» дейилган.



**Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 мартағи 153-қарорининг 1-иловаси  
билин тасдиқланган Ижтимоий аҳамиятли касалликлар рўйхатига кўра  
қўйидагилар ижтимоий аҳамиятли касалликлар ҳисобланади:**

1. Сил касаллиги.
2. Онкология касалликлари, янгидан пайдо бўладиган хатарли ўсимталар.
3. Жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар.
4. ОИТС.
5. Мохов (лепра) касаллиги.
6. Руҳий касалликлар.

Лекин шу билан бирга «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги, «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиб тўғрисида»ги қонунларда ҳам ушбу касалликлар ижтимоий аҳамиятли касаллик ҳисобланishi, уларга чалингандарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган.

Бундан кўринадики, конституция билан кафолатланган малакали тиббий хизматни тартибига солиши керак бўлган қонун ҳужжатлари тарқоқ ва айримлари бир-бирини тақрорлайди ёки тўлдиради.

Бундан ташқари, «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонунда белгиланган табблар ижросини таъминлаш мақсадида «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги, «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги, «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойиштилиги тўғрисида»ги, «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги, «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги қонунлар қабул қилингани ҳам конституция билан кафолатланган малакали тиббий хиз-

матни тартибиغا солувчи қонун ҳужжатлари тарқоқ эканини тасдиқлайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаша тизимини тубдан тақомиллаштириши бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5590-фармони билан 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаша тизимини ривожлантириш концепцияси тасдиқлангани тиббиёт соҳасида янги даврни бошлаб берди.

Фармонда соғлиқни сақлашга оид қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш, бошқарув ва молиялаштириш тизимини тубдан тақомиллаштириш, ху-



дудларда «кластер» моделини шакллантириш, тиббий ёрдам сифати ва қулайлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши кураши, оналиқ ва болалик муҳофазасини кучайтириш, хусусий соғлиқни сақлаш тизими, давлат-хусусий шериклик ва тиббиёт туризми ни ривожлантириш орқали инвестицияларни кенг жалб этиш каби устувор вазифалар белгилаб берилган.

Амалдаги қонун ҳужжатлаши бугунги интеграциялашган, рақамлашган тиббиёт ҳуқуқини тўлиқ таъминлаб бермайди. Жумладан, амалдаги қонун ҳужжатларида тиббиёт кластери, тиббий сугурта, рақамлаштирилган тиббиёт, электрон тиббий карталарни юритишга оид муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ замонавий фуқаролик-ҳуқуқий асос яратилмаган.

Президентнинг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги 2107-фармонига асосан болаларга тиббий хизмат кўрсатиш, аҳолига бирламчи амбулатор ва тез тиббий хизмат кўрсатиш белул амалга оширилади. Шунингдек, 2003 йил 26 февралдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3214-фармон билан болаликдан ногиронлар, чин етимлар, I ва II гурух ногиронлари, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, уларга тенглаштирилган шахс-

лар, ёшга оид пенсияга чиққан ишламайдиган шахслар, 1941-1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат жабҳасининг қатнашчилари, Чернобиль АЭС фалокатини тутагишида иштирок этган шахслар жумласига кирувчи ногиронлар, байнамилалчи жангчилар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан моддий ёрдам олувиши кам таъминланган оиласларга мансуб шахслар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича 18 ёшга тўлмаган патологияли болалар, чақирав комиссияларининг йўлланмалари бўйича чақирав ёшидаги (18-27 ёшдаги) шахслар, патологияли

тўғрисида»ги қонунда давлат муассасасида ёки хусусий тиббиёт муассасасида белул стационар даволаниш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар ёки касаллик турларининг аниқ рўйхати келтирилмаган.

Мазкур ҳолатлар фуқароларнинг соғлиқни сақлашга оид ҳуқуқларидан фойдаланишида адоқсиз қўйинчиликларни вужудга келтироқмода.

Юқоридагиларга кўра соғлиқни сақлаш ва санитария осоиышталигига оид тарқоқ қонун ҳужжатларини ягона бир кодексда тизимлаштириш ва бугунги кундаги интеграциялашган, рақамлаштирилган, бозор иқтисодиётига мос бўл-



хомиладор аёллар, эндокрин касалликлари, жинсий ўйл билан юқтириладиган касалликлар, сил касаллиги, онкология касалликларига чалинган шахслар ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида белул амбулатор ва стационар даволаниш ҳуқуқига эга. Бироқ «Фуқаролар соғлиқини сақлаш

ган, замонавий шартномавий муносабатлар (давлат-хусусий шериклик, тиббий сугурта, тиббий туризм ва бошқалар) жорий этилган тиббиёт ҳуқуқини назарда тутувчи, муҳими, тўғридан-тўғри ишловчи Соғлиқни сақлаш кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклиф этилади.



**Фикримизча, кодекс умумий ва маҳсус қисмлардан  
иборат бўлиши ва унда:**

- асосий тушунчалар, кўллаш доирасини назарда тутивчи асосий қоидалар, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви ва тартибга солиш механизmlари, давлат ва маҳаллий бошқарув органларининг ваколатлари, соғлиқни сақлаш соҳасида лицензиялаш, аккредитация ва аттестациядан ўtkазиш тартиблари, реклама, хизмат кўрсатиш ва ишлар бажаришга оид тартиблар, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат назорати (бунда тиббий хизмат сифати ва санитария талабларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатилиши лозим);
- соғлиқни сақлашни молиялаш тизимини аниқ белгилаш, пулли ва бепул хизмат кўрсатиш соҳалари, касаллик турлари, шахслар доирасининг аниқ рўйхатини келтириш, халқаро ҳамкорлик тартибини белгилаш;
- маҳсус қисм сифатида соғлиқни сақлаш тизими ва тиббий хизматни ташкил этиш шартлари, меъёрлари ва ҳажмини белгилаш, бунда пулли ва бепул хизмат кўрсатиш ҳажмини белгилаш, тиббий фаолият турлари ва улар билан шуғулланишга талаблар, амбулатор, стационар, шошилинч, тез тиббий хизматларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, соғлиқни сақлаш соҳасида экспертиза ўtkазиш тартиби, фармацевтика фаолияти, дори ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш, кўллаш ва уларнинг мумомаласи бўйича талаблар, шартлар белгиланиши лозим;
- фуқароларнинг ёши, жинси, касаллиги бўйича ижтимоий кафолатларни аниқ белгилаш, тиббий аралашув ва бу борадаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар доирасини белгилаш, репродуктив саломатликни сақлаш, бошқаларга хавф туғдирувчи, жумладан, сил, ОИТС, тери-таносил, асаб-руҳий, наркологик ва бошқа касалликларга чалинган беморларни даволаш, уларни госпитализация, изоляция қилиш тартиби, ижтимоий ҳимоя қилиш, ушбу касалликлар билан оғриган беморларга жамиятда юриш-туриш қоидаларини белгилаш, аҳолининг алоҳида ижтимоий қатламлари (масалан, ногиронлиги бўлган шахслар, камбағаллар, ҳарбийлар ва бошқалар)га тиббий хизмат кўрсатиш шартлари ва тартибини белгилаш;
- аҳолининг санитария осойишталигини сақлашга доир шартлар, қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш тартиби, ваколатлар, жамият соғлигини сақлашга оид тадбирлар, яъни йодтанқислиги, микронутриентлар этишмовчилигининг олдини олиш тадбирлари бўйича маҳсус нормалар;
- бугунги кунда юртимизда ҳам яқин қариндошлар орасида тана аъзолари трансплантацияси жорий этилган. Шунга кўра кодексда қон ва унинг компонентлари, қон донорлари ва тана аъзолари донорлигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ижтимоий муҳофазаси, тана аъзолари, ички аъзолар, тўқималар, биологик суюқликларни олиб кириш, ташиб шартларини белгилаш;

- Ривожланган давлатларда соғлиқни сақлашга стратегик соңа сифатида қаралади ва бунда тиббий таълимгә катта аҳамият берилади. Шұнға күра кодексда тиббий таълим, илмий фаолиятта оид нормаларни белгилаш;
- Ағасуски, юртимизда тиббиёт ходимларининг шаъни, қадр-қиммати, обрұси ривожланган давлатлар еришган даражада эмас. Шу сабабли ушбу кодексда врачлик қасамёди, обрў-эътибори, тиббиёт ходимининг этикаси, меҳнатта оид мұносабатлари, ҳуқық ва мажбуриятлари, ижтимоий кафолатлари, ҳуқуқий мавқеига оид талаблар белгиланиши;
- Аҳолини даврий тиббий күрикдан ўтказиш шартлари ва тартиби белгиланиши керак.



Бундан ташқары, ушбу кодексда жавобгарлық масалалари, шифокорлық сири, таваккалчилігі ва шифокорлық хатоси ўртасидаги чегара ҳам назарда тутилиши мақсадға мұвоғиқ.

Шунингдек, таклиф этилаёттан кодексда тиббиёт соҳасида давлат-хусусий шерилділік, кластер ишлаб чиқарыш, соғани рақамлаштириш, электрон ҳужжатлар юритиш тартибининг ҳуқуқий асослары ўз ифодасини топиши зарур.

**Аброрбек КАРИМОВ,**  
ТДЮУ мұстақил тәдіқотчысы



КЕДДЕРДАСЫ САЛМАГАН БАДА ИНТИНАСАТЫНДА БІШІЛЕНСІ НИНІҢДІ ӘДВЕКТІЛДЕР НАСЫПАСЫНДА  
АХБОРОТ СЕДІЛДІДІ ВОЗА САУНДА НАДЕЖДА ОЛЫМДА МІНЕСІНДІККІ НЫҢДА ЕДНОГА  
БІРДЕРДАРДА САУНДА БІРДЕРДАРДА

НІҢДА ЕДНОГА БІРДЕРДАРДА  
ЖЕҢДЕРДІ САУНДА БІРДЕРДАРДА  
САУНДА БІРДЕРДАРДА БІРДЕРДА  
БІРДЕРДАРДА БІРДЕРДА  
БІРДЕРДАРДА БІРДЕРДА  
БІРДЕРДАРДА БІРДЕРДА



# «Электрон жиноят иши» ижобий ва салбий жиҳатлар

Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллаш, уларни давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳаларга кенг жорий этиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги ишларни тақомиллаштыриш юзасидан зарур тақлифлар билдириб, рақамлы технологиялар нағақат махсулот ва хизматлар сифатини ошириши, ортиқча харажатларни камайтириши, шу билан биргә коррупция балосини йүқотишда ҳам самарали восита бўлишини тъқидлади.

Ҳозирги вақтда замонавий жамиятнинг барча соҳаларини тақомиллаштыриш ва ривожлантиришга қаратилган чоралар янги технологияларга асосланган ҳолда амалга оширилиши ҳал қилувчи омил сифатида эътироф этилмоқда. Бугунги ахборотлаштириш асрида эскириб қолган ишлар механизмлари, фаолият юритиш усул ва услубларини қайта кўриб чиқиш, дунёқарашибизни тубдан ўзгаришиб, замонавий ахборот технологияларига асосланган усулларга ўтишини устувор вазифа деб қабул қилишимиз зарур.

Замонавий инновацияларни, хусусан, ахборот-коммуникация ва рақамли технологияларни барча соҳаларга жорий этиш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида эканлигини алоҳида тъқидлаш лозим. Президентнинг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан тақомиллаштыриш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3723-қарори фикримизни тасдиқлайди. Мазкур қарорда суд-тергов фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий қилиниши жуда паст даражада экани тъқидлаб ўтилган эди. Қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини тақомиллаштыриш концепцияси, Тошкент шаҳрининг Яккасарой ва Миробод туманларида «Электрон жиноят иши» лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда суд-тергов фаолиятида, хусусан, «Электрон жиноят иши» ва «Масофадан сўроқ қилиш» тизимларини жорий этиш вазифалари белгиланди.

Электрон жиноят иши – электрон хужжатлар айланишининг энг юксак даражаси десак, муболага бўлмайди. Аксар ривожланган мамлакатларда судга қадар ва суд иш юритувини электрон тарзда шакллантириш бўйича аҳамиятга молик ишлар амалга оширилиб, турли даражадаги са-

мараларга эришилди. Электрон жиноят иши юритуви АҚШ, Канада, Белгия, Германия мамлакатларида жорий қилинмоқда. Белгияда 2005 йилда электрон суд иш юритув лойиҳаси жорий этилган бўлиб, электрон хужжатлар айланишининг «электрон файли» полиция, адвокатлар, тарафлар ва суд томонидан тўлдириб борилган. Аутентификация масаласи электрон паспортдан фойдаланган ҳолда ҳал қилиб келинган.



Саудия Арабистонида электрон жиноят иши юритиш тизимига ўн йил олдин ўтилган бўлиб, тергов муддатларини тахминан 80 фоиз қисқартиришга эришилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидағи ислоҳотларнинг ижобий тажрибасини Грузия мисолида кузатишимиш мумкин. Бу мамлакат жиноят ишининг электрон шаклига 2011 йилда ўтишга муваффақ бўлди. Корея Республикаси, Сингапур, Эстония ҳам бу борада муайян тажрибага эга. Озарбайжонда эса 2016 йилдан бўён солиқ соҳасидаги жиноятлар бўйича тергов ишларини юритиш учун «Электрон жиноят иши» дастури жорий этилган.

Дастлабки тергов органларининг фаолияти бўйича ўтказилган тадқиқотлар жиноят иши бўйича суриштирув ва тергов ишларини олиб бориши муддатларини узайтириш борасида суриштирув ёки терговни олиб бораётган шахсга боғлиқ бўлмаган объектив ҳолатлардан ташқари, суд, прокуратура, тергов ва суриштирув органлари фаолиятига тааллукли қонун хужжатларида назарда тутилган маъмурӣ ва ташкилий сабаблар ҳам мавжудлигини кўрсатган. Бундай сабаблар қаторига суриштирув ва дастлабки тергов органларида қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширувчи прокурор ўз ваколати доирасида суриштирув ва дастлабки тергов органларидан ишларни текшириш учун, шунингдек, суриштирувчи ёки терговчининг ҳаракатлари ёки қарорлари устидан тушган мурожаатларни кўриб чиқишида суриштирув ва дастлабки тергов



ишиларининг боришига доир ҳужжатларни, материалларни ҳамда бошқа маълумотларни талаб қилиб олиши; ички ишилар органларидағи тергов ишиларини юритиши жараённанда ИИВ (ИИББ, ИИБ) ҳузуридаги Тергов департаменти (тергов бошқармалари) раҳбарлари ҳам тергов муддатларини узайтириши ёки мурожаатларни күриб чиқиш масалаларини ҳал қилиш мақсадида жиноят ишини ўрганиш учун талаб қилиб олиши кабилар киради.

“

Электрон жиноят иши – электрон ҳужжатлар айланишининг энг юксак даражаси десак, муболаға бўлмайди. Аксар ривожланган мамлакатларда судга қадар ва суд иш юритувини электрон тарзда шакллантириш бўйича аҳамиятта молик ишилар амалга оширилиб, турли даражадаги самараларга эришилди. Электрон жиноят иши юритуви АҚШ, Канада, Бельгия, Германия мамлакатларида жорий қилинмоқда. Белгияда 2005 йилда электрон суд иш юритув лойиҳаси жорий этилган бўлиб, электрон ҳужжатлар айланишининг «электрон файли» полиция, адвокатлар, тарафлар ва суд томонидан тўлдириб борилган. Аутентификация масаласи электрон паспортдан фойдаланган ҳолда ҳал қилиб келинган.

Юқоридаги каби ҳолатларда терговчи (суриштирувчи) жиноят иши унинг юритувида мавжуд бўлмагани боис ҳеч қандай тергов ҳаракатларини олиб бормайди, оқибатда тергов қилиш муддатларини ўринсиз узайтириша тўғри келади.

Жиноят-процессуал қонунчилиги соҳасида тадқиқот олиб бораётган олимлар ва экспертилар мазкур муаммоларни ҳал қилиш учун жиноят ишиларини судга қадар ва судда кўриб чиқиш босқичида электрон тарзда шакллантириш, шу-

нингдек, жиноят процесси иштирокчилари – терговчи, суриштирувчи, эксперт, прокурор ёки судья томонидан, агар қандайдир экспертизалар ўтказиш ёки қоғоз шаклидаги жиноят иши материалларини таҳлил қилиш зарур бўлмаса, электрон тарзда шаклланган жиноят ишини ўрганиш ва текширишини қонун нормалари билан мустаҳкамлаш бўйича таклифлар билдиришган.

Илмий доираларда суд-тергов амалиётида «Электрон жиноят иши» имкониятларидан фойдаланишининг зарурлиги кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлмоқда: «Электрон жиноят иши»нинг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари ҳақида турли фикрлар билдирилмоқда.

Суд-тергов жараёнига жалб қилинган шахсларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг мураккаблиги кўриб чиқилаётган масаланинг салбий жиҳати сифатида баҳоланмоқда. Соҳа мутахассисларининг фикрича, замонавий технологиялардан фойдаланиш жараённанда шахсни идентификация қилиш, шунингдек, жиноят ишида фойдаланилаётган электрон ҳужжатларга ташқаридан ўзгартишлар киритиш муаммоси юзага келиши мумкин.


Бундай масалаларни ҳал қилиш учун юқори сифатли техник ечимлар талаб қилинади. Бундан ташқари, яна бир жиддий салбий жиҳат терговчи (суриштирувчи)нинг маълумотларни соҳталаштириш ёки мазмунан ўзгартириш имкониятига эга бўлишидир. Рақамлаштирилган маълумотларни очиб кўриш ва танишиш имкониятининг мавжудлиги, бундай маълумотларнинг ишончли ва ҳақиқий эканига шубҳа туғдириши мумкин. Рақамлаштирилган маълумотларнинг яхлитлигини таъминлашга қаратилган турли ҳимоя усулларининг кўлланишига қарамасдан, шахсга оид маълумотларнинг ошкор бўлиши, шунингдек, тижорат, касбий, хизмат ва давлат сирларига тааллуқли маълумотларни ўғирлаш каби муаммолар юзага келиши мумкин.

Электрон жиноят ишининг ижобий сифатлари сифатида бошқаришга қулайлиги, ихчамлиги, мобиллиги ва бошқа жиҳатлари эътироф этилмоқда. Жиноят иши материалларини юбошида (терговга тегишлилиги бўйича бир бўйича

лимдан бошқа бўлимга; текшириш ёки ўрганиш учун терговчи (суриштирувчи)дан прокурорга ёки тергов органи раҳбарига; кўриб чиқиш учун прокурордан судга ва бошқа ҳолатларда) вақтни тежайди; қофоз сарфи камаяди; шунингдек, жиноят процессида иштирок этувчиларнинг жиноят иши материаллари билан танишиш қулялигини, осонлик билан нусха кўчиришини, сақлаш ихчамлигини таъминлади.

Яқин келажақда жиноят ишини қофоз шаклида юритишдан воз кечилиб, иш материалларини электрон тарзда шакллантириш, электрон маъ-

тур. Шунингдек, электрон ҳужжатларнинг мазмуни ўзгармаслигини таъминловчи, келгусида жиноят процессида иштирок этувчилар учун бемалол ўрганишга имконият берадиган электрон нусхаларини сақлашга топширишда, электрон ҳужжатлардан нусхалар олиш, кўздан кечириш, ахборот олиш каби ҳаракатларда албатта мутахассис иштирок этишини таъминлаш, дастлабки тергов органларининг хизмат хоналарида тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнининг видеоБезувга олинишини ҳукуқий нормалар билан мустаҳкамлаш муҳим аҳамият қасб қиласди.



лумотлардан нусха кўчириш, сақлаш, жўнатиш ва бошқа ҳаракатлар замонавий рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Бу эса соҳадаги кўплаб муаммоларни ҳал қилишда муҳим омил бўлади. Электрон ҳужжатлар айланишига ўтиш, жиноят процессида амалга оширилиши лозим бўлган тергов ва суд ҳаракатларининг сифати ҳамда қонунийлик даражасини оширишга хизмат қилиши табиийдир.

Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган тергов ва бошқа ҳаракатларни, шунингдек, электрон ҳужжатларни электрон тарзда шаклланган далиллар деб эътироф этадиган ва уларнинг ҳақиқийлигини кафолатлайдиган ҳукуқий нормаларни қабул қилиш за-

Электрон жиноят ишини суриштирув ва дастлабки тергов тамомлангандан сўнг судга юбориш учун эмас, балки ҳужжатлари қофоз тарзида шаклланган жиноят ишини суриштирув, тергов органларининг раҳбарлари, эксперталар, прокурорлар, судьяларга уларнинг сўровларига биноан ўрганиш учун қисқа муддатларда жўнатиш имконияти бўлмаса ёки уни ўрганиш кўп вақтни талаб этса, шунингдек, экспертиза ўтказиш, тергов ёки қамоқда ушлаб туриш муддатини узайтириш масалаларини ҳал қилиш, иш бўйича келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш ва шунга ўхаша бошқа ҳолатларда жиноят ишининг электрон нусхасини тақдим этиш мақсадга мувофиқ.



**Айрим экспертлар  
қўйидагиларни таклиф этишмоқда:**

- 1)** жиноят ишини электрон тарзда шакллантириш ваколатига эга бўладиган субъектларни аниқлаштириш;
- 2)** электрон жиноят ишини манфаатдор шахсларга жўнатиш үсул ва каналларини белгилаш;
- 3)** электрон жиноят иши манфаатдор шахсларга юборилгани фактини тасдиқлаш үсулини ҳамда уларни ўзгартирмаслик кафолатларини белгилаш;
- 4)** юқорида кўрсатилган мақсадлар учун электрон жиноят ишидан фойдаланиш тартибини норматив ҳужжатлар билан мустаҳкамлаш.



Хозирги пайтда терговчи (суриштирувчи)лар барча процессуал ҳужжатларни электрон тарзда шакллантириб, сўнг қофозга кўчиришади ва процесс иштирокчилари ҳамда уни тузган ходим имзо қўйганидан сўнг ҳужжат ҳуқуқий кучга эга бўлади. Электрон ҳужжатлар файллари қоида та-риқасида сақлаб қўйилади ва алоҳида папкаларда жамланади. Бундай электрон ҳужжатлар юри-дик кучга эга бўлмаса-да, терговчи (суриштирувчи) шунга ўхшаш ҳужжатларни шакллантиришда улардан шаблон сифатида ёки турли процессуал ҳужжатларни тайёрлашда маълумот манбаи си-фатида фойдаланади.

**Хулоса қилиб айтганда, суд-тергов соҳасига электрон жиноят иш юритувини тўлақонли жорий этиш жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича муайян ташкилий ҳамда амалий ишлар тизимли олиб борилмоқда. Бу борада сезиларли ижобий натижаларга эришилди.**

Бу шуни кўрсатадики, терговчи (суриштирувчи) тергов жараёнида ўз ташаббуси билан деярли барча процессуал ҳужжатларни электрон тарзда шакллантириб боради ва зарур ҳолларда ёки раҳбарларнинг сўровига биноан электрон тарзда тақдим этади.

Жиноят ишларининг электрон форматига ўтиш борасида Тошкент шаҳрининг Яккасарой ва Миробод туманларида «Электрон жиноят иши» лойиҳасини амалга ошириш бўйича муайян ташкилий ҳамда амалий ишлар тизимли олиб борилмоқда. Бу борада сезиларли ижобий натижаларга эришилди.

**Шуҳрат АБАКУЛОВ,**

Бош прокуратура хууриядаги  
МИБ бўлим бошлиғи

# «Адолат – қонун устуверлигидә»

Ўзбекистон Республикаси Олий суди  
Ўзбекистон журналистлари ижодий ўюшмаси  
билин ҳамкорликда суд-хуқуқ ислоҳотларини,  
шунингдек, судлар фаолиятини оммавий ахборот  
воситаларида ёритишни янада  
такомиллаштириш мақсадида  
**«Адолат – қонун устуверлигидә»**  
танловини эълон қиласди.



Танловга республика миқёсидаги газета, журналларда чоп этилган, интернетда ёритилган, телевидение ва радиода берилган судлар тизимидағи илоҳотларни ҳамда норматив-хуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилишга, аҳолининг бу борадаги хуқуқий саводхонлигини оширишга, жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган мақолалар, интернет материаллари, кўрсатувлар, эшиттиришлар қабул қилинади.

Мақолалар чоп этилган газета ва журналлар, интернет материаллари, кўрсатув ва эшиттиришлар ёзилган тасмалар Олий суд матбуот хизматига таҳририят, телевидение, радио ходимлари ёки мұалифлар томонидан тақдим қилинishi лозим. Танловга беш ва ундан ортиқ мақола, кўрсатув, эшиттириш ва интернет материаллари билан иштирок этиш мумкин. Тақдим этилган мақола, кўрсатув, эшиттириш ва интернет материаллари мұаллифининг тўлиқ исм-фамилияси, иш жойи ва лавозими, телефон рақами ҳақида мәълумотлар ҳамда паспорт нусхаси илова қилинishi шарт.

Танловга 2020 йил 1 январдан 15 ноябргача чоп этилган мақолалар,  
интернет материаллари, кўрсатув ва эшиттиришлар қабул қилинади.

## ТАНЛОВДА ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНАДИ:

1. «Телевидение ва радио йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
2. «Босма ОАВ йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
3. «Интернет-журналистика йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
4. «Энг фаол судья ва суд ходими» (1, 2, 3-ўринлар);
5. «Энг фаол илмий ходим» (1, 2, 3-ўринлар).

Барча йўналишлар бўйича голиблар танлов рамзи, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Мурожаат учун манзил: 100186, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 1-йй.  
Телефон: (71) 239-02-43, электрон почта: matbuot@sud.uz .



# Таниб олиш учун кўрсатиш жиноят процессида унга оид процессуал қоидаларнинг такомиллашиши

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да танимоқ сўзига «Ўзига тегишли ёки таниш кимсани, нарсани кўринишидан ёки бошқа бирор белгисидан билмоқ, ажратмоқ» деб изоҳ берилган. Ушбу изоҳ юридик бўлмаса-да, Ўзбекистон жиноят-процессуал кодексидаги таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатининг мазмунига жуда яқин.



Жиноят процессида таниб олиш учун кўрсатишнинг ҳукуқий аҳамиятини чуқуроқ очиб бериш ушбу тергов ҳаракатининг ривожланиш босқичларини ўрганишни тақозо этади.

Тарихий манбаларда мамлакатимиз ҳудудидаги қадимги давлатларда жиноят ишлари одат ҳукуқи ва шариат нормалари асосида юритилгани ҳақида маълумотлар мавжуд.

Хусусан, шариат нормалари мусулмон ҳукуқига асосланган бўлиб, тўртта манба (Куръони карим, ҳадислар, ижмо ва қиёс) асосида тар-

тибга солинган. Давлатда суд ишлари қозилар томонидан олиб борилган, ҳарбий ишларни эса ҳарбий қозилар кўриб чиқкан. Бу даврларда тергов ҳаракати ёки дастлабки тергов деган тушунча бўлмасдан, олий суд ҳокимиятининг иш юри-

туви хон ва амирнинг қатъий назоратида бўлган.

Ушбу маълумотлар ўша давларда республикамиз ҳудудидаги давлатларда таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати шаклланмаган ва амалга оширилмаган деган хуносага келиш имконини беради.

Мамлакатимиз ҳудудини Россия империяси босиб олганидан кейин суд ишларини юритиш бўйича бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган, бироқ уларда судларнинг шариат ва одат нормаларини кўллаши тақиқланмаган.

1922 йилда РСФСР Жиноят-процессуал кодекси, 1926 ва 1929 йилларда ЎзССРнинг Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинган бўлса-да, ушбу процессуал ҳужжатларда таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати сифатида белгиланмаган.

Процессуал ҳуқуқий ҳужжатлarda таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати сифатида илк марта ЎзССРнинг 1959 йилги ЖПКнинг 11-бобида юзлаштириш тергов ҳаракати билан бирга ёритилган.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, айрим адабиётларда таниб олиш учун кўрсатиш процессуал ҳаракат сифатида сўроқ қилишнинг таркибида бўлган деган ғоя илгари суриласди. Ҳусусан, М.Строгович таниб олиш учун кўрсатишни идентификациялаш (айнанлигини аниқлаш) деб кўрсатиб, сўроқнинг бир шакли сифатида унинг икки турини ажратиб кўрсатган: биринчиси – одамларни идентификациялаш, иккинчиси – нарсаларни идентификациялаш.

Кейинроқ И.Гуткин ҳам шунга ўхшаш фикрни билдириб, юридик ҳусусиятига кўра таниб олиш учун кўрсатишни гувоҳни сўроқ қилишнинг бир шакли сифатида тушунтиришга ҳаракат қилган.

Исботлаш субъектлари сўроқ қилиш жараёнида шахсни ва нарсаларни гувоҳларга кўрсатиш орқали унинг айнанлигини аниқлашган ва шу тарика иш учун аҳамиятли далиллар тўплланган.

Бундан ташқари, оддий сўроқ ҳамда шахс ва нарсаларнинг айнанлигини аниқлашга қаратилган сўроқ бир-биридан фарқ қилган. Шахс ва нарсаларнинг айнанлигини аниқлашга қаратилган сўроқда фақатгина шахс ёки нарсалар эмас, балки таниб олиш учун мурдалар ва хайвонлар ҳам кўрсатилган. Бу таниб олиш учун кўрсатишнинг ривожланиши сўроқ қилишдан бошланади ва ушбу процессуал ҳаракатдан сўроқ қилишнинг

бир тури сифатида исботлаш жараёнида фойдаланиб келинган ҳамда кейинчалик унинг мақсади, ҳал этиши лозим бўлган вазифалари доираси кенгайганидан сўнг алоҳида тергов ҳаракатига айланган деган фикрга келиш имконини беради.

ЎзССРнинг 1959 йилги ЖПКда таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракати сифатида белгиланган бўлса-да, унга алоҳида боб ажратилмагани ва бошقا тергов ҳаракатлари билан битта бобга жойлаштирилгани суд-тергов амалиётида уни фаолрек кўллаш имконини пасайтирган.

**Шу боис Ўзбекистоннинг амалдаги ЖПКда назарда тутилган таниб олиш учун кўрсатишнинг процессуал тартибига солинишини 1959 йилги ЖПК билан таққослаганды айрим умумий ва алоҳида ҳолатлар кўзга ташланади.**

**Биринчидан**, қонун чиқарувчи таниб олиш учун кўрсатишни аввалгидек юзлаштириш ва кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш билан бир бобга жойлаштирумасдан, алоҳида бобларга ажратган ва шу тарпи мазкур тергов ҳаракатларининг мустақил эканлигини таъкидлаган.

**Иккинчидан**, таниб олиш учун кўрсатишнинг асослари алоҳида моддада аниқ белгилаб берилган. Ваҳоланки, 1959 йилги ЖПКда ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш учун нималар асос бўлиши белгиланмаган.

**Учинчидан**, 1959 йилги ЖПКда фақатгина терговчига таниб олиш учун кўрсатиш ҳуқуқи берилган. Амалдаги ЖПКга кўра ушбу процессуал ҳаракатни терговчидан ташқари прокурор, тергов бўлими бошлиғи, суриштирувчи ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси ҳам ўтказиши мумкин.

**Тўртинчидан**, қонун чиқарувчи таниб олиш учун кўрсатилувчи объекtlар доирасини кенгайтирган ва шахсни (ЖПКнинг 127-м.), кўчар нарсаларни (ЖПКнинг 128-м.), кўчмас объекtnи (ЖПКнинг 129-м.) таниб олиш учун кўrсатиш тартибини белги-



лаган ҳамда ушбу тергов ҳаракатини 1959 йилги ЖПКдаги каби учта норма (140–142-м.) билан эмас, балки алоҳида боб доирасида еттига норма асосида тартибга солинган (14-боб, 125-131-моддалар.) Бу орқали ушбу тергов ҳаракатининг фаолроқ қўлланишига замин ҳозирлаган.

**Бешинчидан**, таниб олувчининг хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган ва ушбу ҳаракат суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг қарорига кўра таниб олинувчининг таниб олувчини кўриб туриши истисно этиладиган шароитда ўтказилиши белгиланган (ЖПКнинг 127-м. 6-к.).

**ЖПКнинг 125-моддасида таниб олиш учун кўрсатиш асослари келтирилган бўлиб, унга кўра «Таниб олиш учун кўрсатиш гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг бирор шахс ёки нарса тўғрисидаги кўрсатувини текшириб кўриш учун қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:**

- 1) бу кўрсатув муайян бир шахс ёки муайян бир нарсага оид эканлигини аниқлаш зарур бўлганда;
- 2) суриштирувчи, терговчи ёки судга маълум бўлган кўплаб шахс ёки нарсалар орасидан кўрсатувда тасвирлаб берилган шахс ёки нарсани тошиш зарур бўлганда».

**Юқорида келтирилган фикр ва таҳлиллардан келиб чиқиб айтиш мүмкинки, жиноят процессида таниб олиш учун кўрсатишнинг тарихий ривожланиши босқичлари шартли равишда қўйидагилардан иборат бўлган:**

- биринчи босқич республикамиз ҳудудида илк давлатлар пайдо бўлган даврдан 1959 йилга қадар давом этган, бу даврда суд ишларини юритиш одат ва шариат нормалари асосида тартибга солинган ва таниб олиш учун кўрсатиш сўроқнинг бир кўриниши сифатида намоён бўлган;
- иккинчи босқич 1959 йилдан 1994 йилга қадар бўлган даврни ўз ичига олган, таниб олиш учун кўрсатиш мустақил тергов ҳаракати сифатида илк бор ЎзССРнинг 1959 йилги ЖПКда тартибга солинган ва унга алоҳида боб ажратилимасдан, юзлаштириш ва кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш билан битта бобга жойлаштирилган;
- учинчи босқич 1994 йилдан кейинги даврни ўз ичига олади. Ўзбекистоннинг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодексида таниб олиш учун кўрсатишга алоҳида тергов ҳаракати сифатида қаралиб, 14-бобдаги 125–131-моддалар ва 52-бобдаги 447-модда унга бафишланган.

Энг мухими, таниб олиш учун кўрсатиш юзлаштириш ва кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишдан ажратилиб, уни ўтказиш учун асослар ва унинг объектлари сезиларли даражада кенгайтирилган. Бу эса таниб олиш учун кўрсатишнинг процессуал мустақил-

лигини таъминлаш билан бирга унинг аникроқ тартибга солинишига ва суд-тергов амалиётида кенгроқ қўлланишига хизмат қилган.

**Мамарасул УММАТОВ,**

Ички ишлар вазирилиги академияси мустақил изланувчиси

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ

## ХАБАР ҚИЛАДИ!

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган рухсатномаларнинг берилиши, ер ажратилиши, ҳисоботлар тақдим этиш, банкомолия хизматларидан фойдаланишда белгиланган муддатлар ва тартибларнинг бузилиши ёки бошқа кўринишдаги бюрократик тўсиқларга дуч келсангиз;

давлат, ҳукуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулкдорлар фаолиятига ноқонуний аралашилган, қонунга хилоф равишда текширишлар ўтказилган тақдирда ёхуд норматив-ҳукукий ва бошқа турдаги хужжатларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига салбий таъсири бор деб ҳисоблаб, уларни такомиллаштириш зарур дессангиз;

ўз ҳукуқларингизни ҳимоя қилиш ҳамда тақлифлар билдириш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ташкил этилган «Мурожаатларни телефон орқали қабул қилиш маркази»нинг 1007 қисқа рақамига кўнгироқ қилинг.

Шунингдек, Бош прокуратурада тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектларининг ҳукукий ҳимоясини янада кучайтириш бўйича мутасадди давлат органлари, суд, ҳукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимларидан иборат таркибида тузилган ташкилий-таҳлилий гурухга 0371-233-65-23 телефон рақами орқали мурожаат қилиш имконияти ҳам яратилган.

Ҳукуқва қонуний манфаатларингизнинг тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.




№	Прокуратура органлари	Код	«Ишонч телефон»лари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	0371	232-10-07
2.	Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаменти	0371	233-10-07
3.	Андижон вилояти прокуратураси	0374	227-10-07
4.	Бухоро вилояти прокуратураси	0365	221-10-07
5.	Жizzах вилояти прокуратураси	0372	226-10-07
6.	Қашқадарё вилояти прокуратураси	0375	228-10-07
7.	Қорақалпогистон Республикаси прокуратураси	0361	222-10-07
8.	Навоий вилояти прокуратураси	0436	210-10-07
9.	Наманган вилояти прокуратураси	0369	227-10-07
10.	Самарқанд вилояти прокуратураси	0366	232-10-07
11.	Сирдарё вилояти прокуратураси	0367	235-10-07
12.	Сурхондарё вилояти прокуратураси	0376	223-10-07
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	0371	271-10-07
14.	Тошкент вилояти прокуратураси	0371	230-10-07
15.	Фарғона вилояти прокуратураси	0373	244-10-07
16.	Хоразм вилояти прокуратураси	0362	227-10-07

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси



# Шахсий божхона кўриги ва инсон ҳуқуқлари

Божхона кодексида шахсий кўрик (196-модда) божхона назоратининг эксклюзив шакли сифатида тан олиниб унда, Ўзбекистон конституциясида мустаҳкамланган инсон ва фуқаролик ҳуқуқларига риоя этилишининг барча зарур кафолатлари мавжуд.



Божхона шахсий кўриги божхона чегараси орқали ўтаётган ва божхона назорати зонаси (божхона расмийлаштируви жойи)да ёки аэропортнинг халқаро йўналишлар учун очиқ бўлган транзит зонасида бўлган жисмоний шахсга нисбатдан ўтказилади. Шахсий кўрик божхона ҳудудига олиб кириш ёки ушбу ҳудуддан олиб чиқиш тақиқланган ёхуд Божхона кодексида белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб ўтилаётган товарларни жисмоний шахс ёнида яшиromoқда ва уларни ўз иктиёри билан тақдим этмоқчи эмас деб тахмин қилишга асослар бўлган тақдирда божхона органининг мансабдор шахси томонидан амалга оширилади. Божхона расмийлаштируви жойи халқаро денгиз (дарё) ва ҳаво портлари, Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали автомобиль ўтказиш пунктлари ва транспортлар ҳисобланади.

Амалдаги қонунчиликда шахсий кўрик учун асослар рўйхати мавжуд эмас. 2004 йил 2 февралда

қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган шахсларни кўздан кечириш тартиби тўғрисидаги 1307-йўриқнома (хужжат Давлат божхона кўмитасининг 2016 йил 9 апрелдаги қарори билан ўз кучини йўқотган)га кўра: фуқароларнинг хабарлари ёки аризалари; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат органларидан тушган материаллар; хорижий давлатларнинг божхона ва бошқа органлари, халқаро ташкилотларнинг маълумотлари; Ўзбекистон Республикасининг божхона органларидан келган ахборотларда мавжуд бўлган маълумотлар; жисмоний шахс томонидан божхона чегараси орқали олиб ўтилиши тақиқланган ашёлар яширилаётгани ва божхона назоратига тақдим этилмаётганилиги тўғрисида гумон қилинишига тўғридан-тўғри ёки билвосита ишора қилувчи аломатларнинг мавжудлиги шахсий кўрик учун асос бўлиши мумкин.

Кўрсатиб ўтилган йўриқнома ўз кучини йўқотганини ҳисобга олиб, шахсий кўрик олиб боришу учун ҳуқуқий асосларни белгилаш зарур.

Шахсий кўрик инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланиши билан боғлиқ, шунинг учун уни амалга ошириш тўғрисидаги қарор фақат божхона расмийлаштируви ўтказилётган божхона органининг раҳбари ёки унинг ўрнини босувчи шахс томонидан қабул қилиниши мумкин.

Шахсий кўрик жараёни уч босқичдан иборат: тайёргарлик босқичи, бевосита шахсий кўрик босқичи ва якуний босқич.

Тайёргарлик босқичи шахсий кўрик ўтказишга масъул бўлган божхона ходимининг текширилаётган шахсга шахсий кўрик ўтказиш тўғрисидаги қарорни эълон қилиш, уни ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан танишириш, яширин товарларни ўз иктиёри билан топширишни таклиф қилиш мажбуриятини ўз ичига

олади. Шахсий кўрикдан ўтган шахс унинг қарори билан танишганини ёзма тасдиқлаши шарт. Бунда божхона органининг мансабдор шахси ўз имзоси билан тасдиқловчи белги кўяди.

Шахсий кўрик божхона органининг бир ёки бир нечта мансабдор шахси томонидан, иккита холис иштирокида ўтказилади. Унда иштирок этадиган шахслар вояга етган бўлиши шарт, тиббий ходим бундан мустасно, божхона органининг кўрикдан ўтказилаётган шахс билан бир жинсдаги мансабдор шахси томонидан худди шу жинсдаги икки холис ҳозирлигига ўтказилади. Бунда шахсий кўрик фақат асосий мақсадлар учун жиҳозланган божхона органининг алоҳида санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган (бошقا жисмоний шахсларнинг бу хонага рухсатсиз кириши ва шахсий кўрикдан ўтказилиши кузатишига йўл кўйилмайди), ажратилган хонада ўтказилиши мумкин. Кўрикдан ўтказилаётган шахснинг танасини текшириш фақат тибиёт ходимлари томонидан, зарур бўлганда, маҳсус тиббий техникадан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Заруратга қараб таржимон жалб қилинади.

Алоҳида ҳолларда шахсий кўрик аэропортнинг, темирйўл станциясининг, санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган транспортнинг (салон, бўлинма ва бошқалар), шунингдек, транспорт ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа давлат органларининг алоҳида хонасида ўтказилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, божхона ходимлари фақат шахснинг кийимларини ва айни пайтда у билан бўлган нарсаларни текшириш ҳукуқига эга. Фақатгина тиббий мутахассис танани текширишга ҳақли ва танани фақат юзаки текширувдан ўтказиш керак. Шахсий кўрик ўтказиш учун қўшимча талаблар ёки чоралар кўрилиши мумкин эмас, шунинг учун рентген текширувидан ўтиш тақлифи асосли эмас. Бироқ амалда бундай текширишлар олиб борилмокда, бу сўнгги йилларда ички органларда тақиқланган товорларни ташиш йўли билан наркотик моддаларни ўтказиш мақсадга мувофиқ. Шу боис ушбу процедура шахсий кўрик ўтказиш қоидаларининг бузилиши деб ҳисобланмайди.

Давлатнинг инсон ҳукуқлари ва эркинликла-

рини ҳурмат қилиш борасидаги мажбуриятидан келиб чиқсан ҳолда, божхона органлари шахснинг қадр-қимматини камситишни ва унинг соғлиғи ва мол-мулкига асоссиз зиён етказишни истисно этганда, яширин товарларни аниқлаш учун зарур бўлган даражада шахсий кўрик ўтказишга мажбурдирлар. Бироқ бунинг чегаралари қонун билан белгиланмаган.

Агар шахсий кўрик вақтида божхона ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида текширилаётган шахснинг мол-мулки зарар кўрса ёки шикастланган бўлса, шахс ўз ҳукуқидан фойдаланади ва етказилган зарарни қонунга мувофиқ қоплашни талаб қилиши мумкин.

Қайд этиш керакки, зарар нафақат божхона органларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли, балки божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳаракатлар натижасида етказилиши мумкин. Чунки божхона назорати кўпинча зарар етказиш заруратини келтириб чиқаради, акс ҳолда самарали божхона назоратини алошири мумкин эмас.

**Шахсий кўрикнинг якуний босқичида ҳужжатлар расмийлаштирилади: шахсий кўрик натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланадиган шаклда баённома тузилади. Бунда расмиятчиликка қўшимча равишда процедураларнинг барчasi батафсил баён қилиниши ва натижалари кўрсатилиши керак.**


Баённома икки нусхада тузилади, божхона органининг шахсий кўрикни ўтказган мансабдор шахси, холислар, шахсий кўрикдан ўтказилган жисмоний шахс ёки унинг қонуний вакили ёхуд уни кузатиб борувчи шахс томонидан ва шахснинг тана аъзоларини кўрикдан ўтказган тибиёт ходими томонидан ҳамда кўрикда иштирок этган бошқа шахслар томонидан имзоланади. Баённомани имзолаш вақтида шахсий кўрик ўтказилаётган шахс унда баён этилган қонун-бузарликларни кўрсатиши мумкин. Шахсий кўрикдан ўтказилган жисмоний шахсга баённоманинг кўчирма нусхаси имзо қўйдирив тақдим этилади.

Бундай ҳолатда шахсни жинонӣ жавобгарликка тортишда ҳам, божхона ходимларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилганда ҳам фақат баённома асосий далил бўлиб хизмат қиласади.

**Ботир ШЕРАЛИЕВ,**

ДБҚ божхона институти

«Маҳсус фанлар» кафедраси катта ўқитувчisi



### 1-күн

...Хар доимгидек зерикарли. У гавжум ва сершовқин күчада одамлар орасидан тұрткын-сүрткын үтиб бораркан, торғына үйига қандай қилип тезрок етиб бориши ва якранқ күнининг қолған қисмими нима билан үлдиришни үйларди. Эртага худди шұнақа яна бир күнга қадам қўйиш учун...

...Мана у маконида. Дим күчадан құтулиб, ката-лақдек үйига келди. Бир қадам ташлаганингдан бошинг деворға тақалади. Төр бўлса ҳам, ўзининг ошёни. Бу ерда унин хәллари кашандалар ўпкасидан тараалаётган тамаки ҳидига қўшилиб ҳавога учеб кетмайди, қулоқлари жимжитликин эшигади, нигоҳлари эса оппоқ деворлар тимсолидаги бўшлиққа қадалган бўлади. Қайси томонга қараса ҳам...

Бир муддат ҳеч нарсани ўйламасликка ҳаракат қилди. Бунинг иложи йўқлигини кўп бора синаған, шунда ҳам ҳар сафар қандайдир янгилик кашф этиш илинжида қайта-қайта жазм қиласиди. Янгилик ўрнига

доимгидек мағлубиятта учрагач, ўзининг ожизлигиги няна бир бор тан олади.

«Нега одам ўйлайди? – фикр юритади у. – Ҳатто ҳозир ҳам ўйлајпман. Агар бир лаҳза хаёл оғушидан чиқиб кета олсам, ана шунда балки ўзимга керакли нарсага етишарман. Менга нима керак ўзи? Билмайман...».

Ниҳоят, бу фойдасиз машғулотдан ҳоригач, ўзига янги эрмак қидира бошлади. Ҳа, интернет. Неча кунлардан бўён интернет атальмиш техника ҳазили билан кўнглини ёзади. Янгилик, кишилик жамияти тараққиётининг улкан қадами. Илм-фан ахлининг башариятта навбатдаги совғаси... Аслида эса ҳеч қанақа янгилик эмас, худди ўша нарса: ўша сўзлар, яна бироз тушунарсизроқ, ўша тасвирлар, яна бироз ноинсонийроқ, ўша тасвирлар, яна бироз соҳтароқ. Бу прогрессми, регрессми – аниқ айтиш қийин. Барча «янгилик»ларнинг тараққиёт йўлакчасидан орқага ёки олдинга ташланган қадамлигини унинг ижодкорлари белгиламайди, зеро.

Интернетдан ҳамма қандайдир йўлда фойдаланади. Кимдир иш юзасидан, кимдир ахборот олиш мақсадида, кимдир пул топиш илинжида, яна кимдир бекорчилик фаришталарининг кўнглини овлаш учун. У эса нима мақсадда тармоқча уланишини аниқ айтолмайди. Шунчаки уланади.

Интернетда чат деб аталадиган, одамлар йиғилишиб, бир-бирининг устидан кулиб ўтирадиган хизмат бор. Чойхонага ўхшаган. Лекин чойхонадан қулаироқ, ҳавфисизроқ: бирорни билиб-бilmай сўкканингда бетингга пиёла учиб келмайди.

У ўзига «Ҳеч ким» деган исм бериб, соатлаб чатда ўтиради. Соатлаб бир-бирини танимайдиган одамларнинг масофавий сұхбатини ўқиди. Жуда қызиқ. Ҳаётнинг ўзичалик ёлғон иш. Иккита сұхбатдо жаниккалашиб қолса, қайси бири мард, қайси бири кўрқоклигини аниқлаб бўлмайди. Бирорнинг кўнглига тегсанг, айбингни тан олишинг, уэр сўрашинг шартмас. Ҳисларингни яширишдан осонроқ нарса йўқ чатда. Ёки, аисичча, йўқ ҳисларингни бўрттиришдан... Бир сўз билан айтганда, ёлғонликда телефондан ошади...

Бугун ҳам у ўзи мутлақо танимаган одамларнинг ғойибона сұхбатидан баҳраманд бўлмоқда. Салом-алик, севаман-ёнаман, кимсан ўзи менга ортича гапирадиган... Нега чатда мавзулар доираси бу қадар чекланган? Нега бир-бирини сўкиш ва севишдан бошқасини билмайди булар? Ажабо, неча муддатдан бўён бирор марта ўзи сұхбатга қўшилмабди. Ким билан, нимани гаплашади?

Ногаҳон кўзи рўйхатдаги «Аноним» исмли фойдаланувчига тушиб қолди. Ичida нимадир қимирлаб кетгандек бўлди. Балки исм, балки исм ортига яширилган, бир фойдаланувчи, бир ҳудо биладиган қандайдир мўъжизакор куч уни ўзига боғлаб қўди. Умрида ҳеч ким билан сұхбатлашмаган, ҳеч кимнинг бағрига интилмаган, ҳеч кимга ишонмаган инсон негадир мана шу ўзи бирор марта кўрмаган ва, афтидан, ҳеч қаҷон кўрмайдиган «Аноним»га яқинлик ҳис қилди. Ва беихтиёр уни сұхбатга тортди.

«Ҳеч ким» – Салом.

«Аноним» – Салом.

«Ҳеч ким» – Бирор билан сұхбатлашаётганмидинг?

«Аноним» – Йўқ.

«Ҳеч ким» – Унда нега каналда ўтирибсан?

«Аноним» – Сен-чи?

«Ҳеч ким» – ...

«Аноним» – Мен ҳам шунинг учун.

«Ҳеч ким» – Сен ўзи... кимсан?



Эльдар Асанов – тилишунос, журналист, блогер. Бадий ижодга ҳам қизиқади. Бадий сўзни тафаккурнинг энг юксак босқичи деб билади. Ўрхон Помук, Салмон Рушдийни замонамиз даҳолари ҳисоблайди. Сеҳрли реализм услубига айниқса қизиқади. Аммо бу ишонч қўлига тез-тез қалам олишига тўсқинлик қиласди: бадий сўзни айтсанг шундай айтки, ҳаммадан ўтказ, йўқса ёзиб ўтирма дейди.

Шунинг учун бўлса керак, бадий ғоясини ўқувчига ўзига хос шаклда тақдим этишга ҳаракат қиласди. Исмлардан, жой номларидан қочади, мавҳумиятдан маъно қидиради. Буни қай дара жада үддалайди – ўзингиз баҳо беринг.

«Аноним» – Бу муҳим эмас.

«Ҳеч ким» – Лекин мен ўзим мутлақо танимаган инсоним билан сұхбатлаша олмайман.

«Аноним» – Таниган инсонларинг билан-чи, ҳеч сұхбатлашасанми?

«Ҳеч ким» – Ҳа.

«Аноним» – Нимани сұхбатлашасан?

«Ҳеч ким» – Айтарли ҳеч нарса. Ҳол-аҳвол сўрайман. Уларнинг гапини эшитаман.

«Аноним» – Сен шуни сұхбат ҳисоблайсанми?

«Ҳеч ким» – Мен бошқасини билмайман.

«Аноним» – Дунё сенинг ақлинг билан ўлчанмайди. Агар дунё фақат сенинг ақлинг билан ўлчанса, билгинки, у фақат сенинг дунёнг ва унда фақат сен яшайсан.

«Ҳеч ким» – Мен барча бирдай яшайдиган дунёни кўрмаганман.

«Аноним» – Шу боис сени у дунёга қабул қилишмаган.

«Ҳеч ким» – Сен... мени танийсанми?

«Аноним» – Қаердан танийман, ахир ўзинг сұхбатга тортидинг.

«Ҳеч ким» – Мен ҳақимда нима биласан?



«Аноним» – Фақатгина нимадандир қочишиңг ва ниманидир топа олмаслигингни биламан.

«Хеч ким» – Қаердан биласан?

«Аноним» – Буни ўзинг айтиб турибсан.

«Хеч ким» – Ахир бу ғойибона сұхбат, мени күрмасанг, рост ёки ёлғон гапираёттанимни аниқ билмайсан-ку?

«Аноним» – Рост билан ёлғоннинг чегарасини белгилаб бера оласанми?

«Хеч ким» – Реал ва виртуал үлчам.

«Аноним» – (кулғи) Одамни ушлаш мүмкін дегани бу ҳали у реал дегани эмас. Инсон ўнта бұнақа интернет үйлаб топса ҳам, ҳақиқатни алдай олмайды. Ҳамма нарса битта асосға бориб тақалади аслида. Ёлғон тақдирларни белгилашни бошлаганда ҳақиқат үлароқ қабул қилинади. Ва унұтилган ҳақиқатлар ёлғонга айланади.

Алоқа үзилди.

У ўзини құярга жой тополмасди. Ким бу «Аноним», нега бунча күп нарса билади – бу сингари са-воллар уни мұтлақо қийнамайды. Уннинг хәёли битта нарасада – яна бир бор сұхбатлашиш, яна бирор нима ҳақида гаплашишда. Бундан уни бир күн ажратиб турарди. Бутун бошли йигирма түрт астрономик соат. Вақтни үлдіриш керак...

## 2-күн

Әртасига у яна чатда үтиради. Ҳар күнгидан фарқи шундаки, энди бошқаларнинг сұхбатини ўқиши билан машын змас. У бир кишини күтіп турибди...

Ниҳоят, «Аноним» қанаңа үланды.

«Аноним» – Салом, ески таниш.

«Хеч ким» – Кече күтілмаганда қанаңа айрилдинг?

«Аноним» – Имкониятлар чекланған.

Суқут.

«Хеч ким» – Нимани ўйлағаспан?

«Аноним» – Хеч нарсаны.

«Хеч ким» – Хеч нарса ўйламасликнинг иложи борми?

«Аноним» – Бу дүнёда ҳамма нарса нисбий. Агар мұндоқ қарасаң, вәқтни ҳам бошқарыш имконига әга бұласан.

«Хеч ким» – Нақот?! Мен эса инсоннинг имкониятлар чекланған деб қорарканман.

«Аноним» – Аксинча, бизни имкониятлар чеклади. Мохиятни англаган күннинг ўзингни материалдан юқори ҳис қиласан.

«Хеч ким» – Дарвин таълимоти-чи?

«Аноним» – Ҳақиқий ёлғон, ёлғон ҳақиқат (кулғи). «Аноним» қанаңа чиқы.

Нималар бўляпти? Нега яна алоқа үзилди? Уни яна бир күн күттириш учунми? Қанаңа қилиб ўтказди бунақа үзок вактни?

## 3-күн

«Аноним» – Биров билан чин дилдан сұхбат қурғанмисан?

«Хеч ким» – Йўқ. Мен ичимдаги гапни бирорвга айттолмайман.

«Аноним» – Нега?

«Хеч ким» – Агар бирорвнинг юзига қараб дардимни айтсан, кўзларида унга мендан кўра ўзи муҳимроқ эканлигини кўраман. Унга дардимни айтгандан нима фойда?

«Аноним» – Ўзингга-чи, ким муҳим?

Суқут.

«Аноним» – Ҳеч кимга ўзинг ҳақиқинга гапирмаганмисан?

«Хеч ким» – Гапирғанман... севған инсонимга.

«Аноним» – Севгилинг борми?

«Хеч ким» – Бор эди. Ҳаммаси тугаганига анча бўлди.

«Аноним» – Нега бунақа бўлди? Келиша олмадиларнгим?

«Хеч ким» – Йўқ. Бошидан шунақа бўлишини билардик. Лекин моддиятдан устунлик қила олмадик (кулғи). Бу эхтирос эди. Биз бир-биримиз билан тирик эдик. Тўғри, қисқа муддат. Кейин ҳаммаси ўзгарди. Шунчаки ўзгарди. Биз бир-биримизга меҳрдан бошқа ҳеч нарса бера олмасдик, бошқа ҳеч нарса талаб ҳам қила олмасдик.

«Аноним» – Қанаңа қилиб ажрашдинглар?

«Хеч ким» – Шунчаки алоқамиз үзилди. Сенинг интернетинг үзилиб қоладигани сингари. Орамизда низо чиққани йўқ. Ҳайрлашмадик ҳам ҳатто. Ичимиздаги гапни бир-биримизга айта олмадик. Ҳарқалай, мен айта олмадим... У кетди. Мен эса уни ўзим билан олиб қолишига ҳаракат ҳам қилмадим. Имкониятлар мени чеклаган эди...

«Аноним» – Аччиқ қисмат.

«Хеч ким» – Мен билан боғлиқ ҳамма нарсанынг қисмати шунақа. Мендан доимо кечишади. Мен кечмасам ҳам.

«Аноним» – Балки бунга ўзинг айбдорсан?

«Хеч ким» – Билмасам, үйлаб кўргмаганман.

«Аноним» – (кулғи) Бирорвнинг айбини кўриш осон-а?

«Хеч ким» – Тұғриси, ҳамма нарсада ўзимни айбашдан чарчадим.

Яна алоқа үзилди. Яхшиям үзилди. Бўлмаса мутлақо билмайдиган инсонига барча сирларини айтиб берарди. Эртадан интернетга кирмайди...

#### 4-кун

Компьютер мониторида «уланиш» ойнаси турибди. У курсорни «чақирув» тұгмасига олиб келиб, бир муддат ўйга толди. Нима қисла?.. Ҳеч кимга ишонмаган дардини қандайдир «Аноним»га дастурхон қилиш... Шунча пайт қафасда сақланган юрагига эрк бериш қандай оқибатларга олиб келади... Ўйлаб кўриш керак...

«Ахир бир умр ўйлашдан құтулишга интилганман» миясига урди унинг ва «чақирув» тұгмасини босди. Алоқа бор. «Аноним» каналда.

«Хеч ким» – Кеча нега гапимни охирига етказмасидан чиқиб кетдинг?

«Аноним» – Охириги гапингни охирги нафасингга қадар гапирансан.

Сұкут.

«Аноним» – Ҳеч кимим йўқ, дегин?

«Хеч ким» – Топиша ҳаракат ҳам қилмаганман.

«Аноним» – Кеча тилга олганинг-чи?

«Хеч ким» – Тасодиф, вақтингчалик эктирос.

«Аноним» – Вақт инсонни ўзи чангалида сақлар экан, бокий нарсанинг ўзи бўлмайди. Ҳаммаси бунақалигидан пушаймон бўлмайсанни ҳеч?

«Хеч ким» – Пушаймондан наф йўқ. Орқага қарашасликка интиламан.

«Аноним» – Айтишингча, фақатгина севги бобида омадис эмассан.

«Хеч ким» – Ҳа... Менинг ҳеч кимга керагим йўқ.

«Аноним» – (кулги) Олти миллиард инсондан бирма-бир сўраб чиқдингми?

«Хеч ким» – Нега унда мен интилган инсонлар мендан қочади? Нега мухит мени қабул қилмайди? Нега мени эмас, бошқани танлашади? Нега ҳар доим, ҳамма учун мен узоги билан иккинчиман?

«Аноним» – Сен реал ўлчов атаганинг «ҳақиқат» шунаقا: ҳар доим яхшироғини танлайди. Маъшуқантга ўхшаб.

«Хеч ким» – «Маъшуқам»нинг бунақалигини қаердан биласан!?

«Аноним» – Ахир сен унга меҳрдан бошқа нарса бера олмас әдинг.

Сұкут.

«Аноним» – Пушаймон бўлмайман дегандинг. Нега пушаймон бўляпсан?

«Хеч ким» – Сен қаердан билдинг?

«Аноним» – Суқутинг айтиб турибди.

Сұкут.

«Аноним» – Кўрдингми? Айтгандим, интернет билан ҳақиқатни алдаб бўлмайди деб.

«Хеч ким» – Жин урсин, ҳамма нарсани тўғирлаш учун нима қилишим керак?

«Аноним» – Мослаштиришинг эмас, мослашибинг керак. Нега мухитни факат ўз кўзинг билан кўрасан? Бор нарсан акс эттиришга ярайдиган бу ойнакка шунчалик ишонсансим?

Алоқа үзилди.

#### 5-кун

«Аноним» – Йиғлаганмисан ҳеч?

«Хеч ким» – Ҳеч.

«Аноним» – Бағринг тошми шунчалар?

«Хеч ким» – Кўнгли бўш одамларгина юрагига эрк беради.

«Аноним» – Йиғлаш фақат фойда келтиради. Ишонмасанг синаб кўр.

«Хеч ким» – Синаб кўраман. Лекин... Йиғлашга баҳонам йўқ.

«Аноним» – Шунақа деб ўйлайсанми? Яхшилаб ўйлаб кўр қани. Яна ишк дардига қайтсан (кулги). Нега ҳаммаси бунақа тугади?

«Хеч ким» – Шунақа бўлиши керак эди.

«Аноним» – Адашсан. Бунақа бўлмаслиги ҳам мумкин эди-ку? Нега ҳаммасини тўғрилашга ҳаракат қилмадинг? Яна менинг ҳеч кимга керагим йўқ дейсан-а?

«Хеч ким» – Айтайлик, у менга керак эди. Мен у билан қолишига талпинишм мумкин эди. Лекин унга бу керакмиди?

«Аноним» – Ҳамма ўзига яқин инсонидан нимадир кутади. Ўшани ололсагина бағрини очади. Акс ҳолда... Тушунсан, чекланган дунё. Имкониятлар дунёси. Имкониятдан устун чиққанингдагина ўзинг хоҳлаган нарсага эришасан. Айтайлик, машина сотиб олишга имкониятинг бор. Сотиб олдинг. Ўзингни баҳтли ҳис қиласанми?

«Хеч ким» – Ўйлаб кўрмаганман.

«Аноним» – Биринчи хаёл иккинчисини чақиради. Ўйловнинг охирига ета олмайсан. Саволни бошқача кўяман: севганингдан сўраганмидинг, мен билан бутунлай қолишини истайсанми, мен учун нимадандир кеча оласанми деб?

«Хеч ким» – Йўқ. Ичимдагини ўзим тан олишга кўрқаман баъзан...



«Аноним» – (кулғи) Яна ўзингнинг айбингни кўрмайсан. Яна мұхит мени қабул қиласади дейсан. Мұхитнинг дилига қулоқ солдингми ҳеч? Сүкүт.

«Аноним» – Йўқ. Чунки сен худбинсан.

«Хеч ким» – Бу айбломи?

«Аноним» – Бу ҳукм.

Алоқа узилди.

Унинг кўзларига ёш ёпирилиб келди. Аммо йиғига йўл беришдан чўчиди...

### 6-кун

«Хеч ким» – Йиғламадим.

«Аноним» – Кўз ёши чойнакнинг тагида қолган шамага ўхшайди. Тўқиб турмасанг, тошиб кетади.

«Хеч ким» – Балки уни тўқмасдан яшаш мумкин-дир...

«Аноним» – Бунинг учун чойнакнинг ўлчови бўл-маслиги керак.

«Хеч ким» – Нега ҳамма нарсанинг ўлчови бор-а? Нега ўлчовдан ташқарида яшаб бўлмайди? Нега бер-масан ололмайсан? Нега дунё ўлчовга эга? Нима ўзи дунё?

«Аноним» – Соатли бомба. Орқага ҳисоб кетаверади, кетаверади, бир куни портлади. Ҳар бир инсон – дунёнинг митти кўриниши. Тананг ичидан экансан, бундан қоча олмайсан.

«Хеч ким» – Ҳаммамиз маҳқум эканмиз-да де-мак?

«Аноним» – Қанақа қарашга боғлиқ. Балки биз бу дунёда яшашга маҳқумдирмиз. Қисқа муддат бўлса ҳам.

«Хеч ким» – Нега яшаймиз унда бу дунёда?

«Аноним» – (кулғи) Билганимда худо бўламан.

«Хеч ким» – Аммо моҳиятни англагач, ўзингни материядан юқори ҳис қиласан дегандинг?

«Аноним» – Инсон ақли билан моҳиятни англаш мумкинмик? Материя ичидан материядан юқори туриш мумкинмикин?

Сүкүт.

«Хеч ким» – Билмайман.

«Аноним» – Нега йиғламайсан унда?

Алоқа узилди.

Унинг кичкина бошини чек билмайдиган, ақлга сиғмайдиган шакллар қамраб олди. У нимани ўйлаётганини, нимадан хафа, нимадан хурсандлигини, нима истаётганини мутлақо тушунмай қолди. Бир нарсанигина сезиз турарди – тўлиб-тошган вулқон сингари ҳис-туйғулари жунбушга келиб, кўзларига

интиларди. У кўзини қаттиқ юмиб олди, ҳеч қачон очмасликка тайёр эди, ҳисларини бошқара билса бўлгани. Бирдан ақлига келди – йиғи кўзда туғилмайди. Нима у кўз – бор нарсани акс эттирадиган ойнак холос.

Кўз ёши тизиллаб оқа бошлади. Бўғзида моддийлашган ўқирик тикилиб қолди...

### 7-кун

«Хеч ким» – Мен бугун енгилман.

«Аноним» – Йиғладингми?

«Хеч ким» – Ҳар доимигдай ҳақсан.

«Аноним» – Бирор нимани тушунгандирсан?

«Хеч ким» – Йўқ. Ҳеч нарсани тушунмадим. Балки бу дунёни тушунишга ҳожат йўқдир? Шунчаки яшаш керакдир?

«Аноним» – Бўлиши мумкин.

«Хеч ким» – Сен нима деб ўйлайсан?

«Аноним» – Мен ўйлашни ёқтирамайман. Англаш учун ўйланади. Англаш эса мухим эмас.

«Хеч ким» – Нега ўзинг ҳақингда гапирмайсан?

«Аноним» – Сен ҳеч сўрамагансан-ку?

«Хеч ким» – Дарҳақиқат... Мендан яхши сўхбатдош чиқмайди.

«Аноним» – Ҳечқиси йўқ, иккита яхши сўхбатдош келиша олмайди. Хўш, нима қильмоқчисан энди?

«Хеч ким» – Билмайман. Лекин... пушаймонман. Ҳа, ҳаммасига ўзим айбордорман. Мұхит мени унутмаган, мен мұхитини унутганимман. Севги мендан эмас, мен севгидан кечганимман. Топган куним кечганимман. Аввал бошидан шунаقا бўлишини билардим. Агар билмасам, балки бу ҳақиқатга айланмасмиди? Нихонни ўйламаганимда, у ҳеч қачон келмасмиди?..

«Аноним» – Баракалла.

«Хеч ким» – Лекин...

Сүкүт.

«Аноним» – Нима лекин?

«Хеч ким» – Лекин энди бундан фойда борми-кин? Имкониятлар мени чеклаган, зеро.

«Аноним» – Имкониятдан устун чиқ.

«Хеч ким» – Қўйин, кучим етмаслигидан кўрқаман. Ахир орада вақт турибди. Қанча замон ўтиб кетди. Мен вақтни қандай қилиб тезроқ ўтказишни билмай юрардим, энди эса умримнинг ён-бошлашга жой етмайдиган қабр мисоли торлигини кўяпгман. Қандай қилиб ҳамма нарсани орқага қайтарсам? Нима қилсан йўқотгандаримни топаман?

«Аноним» – Кимнидир йўқотамиз, кимнидир топамиз.

«Хеч ким» – Лекин мен унинг ўрнига ҳеч кимни қўя олмайман.

«Аноним» – Севги шахс танламайди. Инсон юрагининг ядросида меҳр зарралари вужудга келаверар экан, уни кимгадир узатиш, эвазига меҳр олиш битмас эҳтиёж бўлиб қолаверади. Кимгадир меҳринг керак бўлмаса, бошқага албатта керак. Сенга меҳрини улашувчи ҳам топилади. Бу ҳаётни ҳаракатта келирувчи кучдир.

Сукут.

«Хеч ким» – Кеча у билан ўтган кунларимни ёдга олдим. Вақтдан изн сўрамайдиган баҳт шамоли юрагимни ялаб ўтди. У қолдирган ярага эса баҳтсизлик пашшалари ёпишди. Қанчалар баҳтиёр бўлган эканман бир вақтлар... Ўша дамларни қайтарсан, яна ҳаммаси олдингидай бўлиши мумкинми? Ишонмайман. Ҳамма нарса тугаркан. Кеча англаган ягона нарсан – вақт олдинга эмас, орқага юаркан. Мен муҳитдан ҳам ажralishni хоҳламайман. Майли, мослашибга тайёрман, у мени қабул қылсин фақат. Аммо... у мени ким сифатида қабул қиласди? Энди? Шунча вақт орқага кетди ахиср... Лаънати, ни-ма қиласди!

«Аноним» – Бунинг фақат битта чораси бор.

«Хеч ким» – Нима?

«Аноним» – Нима?

Алоқа узилиди.

Яна бир кун кутиши керак! У биринчи марта уйнинг нақадар торлигига эътибор берди. Ва ҳеч нарсани ўйламасдан ташқарига отилиб чиқиб кетди...

## 8-кун

Мониторда «уланиш» ойнаси. Ортиқ чидаб бўлмайди. У «чақирив» тұғмасини босди. Алоқа бор. Чатда ҳар доимгидек сўкишиш ва севишиш. Лекин «Аноним» кўринмайди. Тўғри-да, бугун эртарок уланди. Бироз кутиш керак. Кутамиш...

«Аноним» йўқ. Ҳа, негадир бугун интернетга кирмабди. Жин урсун, яна қанча кутиш мумкин? Қаредасан, «Аноним»?

## 9-кун

Бугун ҳам у йўқ. Нима, устидан күлмоқчими? Нега энг масъулиятли дамда интернетда йўқ? Тўхта. У яна айни бирорлардан қидиришни бошлади. Уни ҳам тушуниш керак. Балки имконият чеклагандир... Ҳарна яна бир кун кутиш мумкин.

## 10-кун

Нима бўлди ўзи? Нега «Аноним» йўқ? Балки уни хафа қилиб қўйгандир? Тўғри-да, фақат ўзининг дардини дастурхон қилди, у ҳақида сўрамади ҳатто. Ҳозир тармоқда бўлганида нима қиларди? Ўзи ҳақида гапиради. Ичида чойнинг шамаси мисол йиғилиб қолган гапларни тўкиб соларди. «Аноним» унга шунинг учунгина керак. Инсон сифатида эса қизиқмас...

Тавба, ўзи шунчалик худбин экан, бошқалардан нега ўксайди? «Аноним»нинг дардини сўрадими? Севгилисининг дардини сўрадими? Муҳитга дил тутдими?

Нақадар пасткаш эканлигини тушунди. Ўзидан нафратлана бошлади.

Аммо шу чоғ «Аноним» унга жуда ҳам керак. У билан сұхbatлашмаса бўлмайди. Қолган ҳамма нарса иккинчи ўринда.

## 11-кун

Яна шу аҳвол. Чатдагиларнинг сұхbatини ўқиш илгаригидай завқ бағишиламаяпти. Кўзи фойдала-нувчилар рўйхатида. Қанийди «Аноним» деган ёзув пайдо бўлса...

## 12-кун

Йўқ, ортиқ чидаб бўлмайди. Унинг асаблари дosh бермайди. Қанча чидаш мумкин ахир? Яна бир кун чидай оладими? Ҳаракат қилиб кўради...

## 13-кун

«Аноним» йўқ. Энди бўлмаса ҳам керак.

Балки бунга кўнхишиш керақдир? Афсуски, мослашувчанлиги билан ажralib турмайди. Мана, севгилисидан ажралганига ҳануз кўнгани йўқ. Яна бир нарса йўқотди бу бебош ҳаётиди. Нима қиласа энди?

Нега уйи бунчалар тор? Олдин нега сезмаган экан? Балки ҳамма нарсани ўзича баҳолагани учундир?

Дунё сенинг ақлинг билан ўлчамайди. Агар дунё фақат сенинг ақлинг билан ўлчанса, билгинки, у фақат сенинг дунёнг ва унда фақат сен яшайсан.

Балки бунинг ҳаммаси туш бўлгандир? Ҳеч қанақа «Аноним» бўлмагандир? Тушдир? Ёки интернет усталарининг кўпол ҳазили? «Аноним» ёлғондир?

Инсон ўнта бунақа интернет ўйлаб топса ҳам ҳақиқатни алдай олмайди. Ҳамма нарса битта асосга бориб тақалади аслида. Ёлғон тақдирларни белгилашни бошлагандан ҳақиқат ўлароқ қабул қилинади. Ва унтутилган ҳақиқатлар ёлғонга айланади.



Нима бўлишидан қатъи назар, у яна бир маротаба кимгадир юрагини ишонди. Ва яна алданди.

Ким эди? Нега ҳамма нарсани билади? Бекорчилар макони бўлмиш чатда у нима қиласди?

Бошида булауни ўйлаб кўрмаганини қара. Қани энди имкони бўлса-ю, шунча кун қилмаган ишини қиласа – «Аноним»нинг кимлигини аниқласа. Афсуски...

Бизни имкониятлар чеклайди. Моҳиятни англган кунинг ўзингни материядан юқори ҳис қиласан.

Материя, материя... Торлигини қара материяниг. Уйи тугул, кенг дунёга сифмаяпти.

Йўқ, бунақа бўлмаслиги керак эди. Озигина қолганди. Фақат охирги гап қолувди.

Охирги гапингни охирги нафасингга қадар гапирасан.

Тўғри, охирги гапини гапиришга имкони бор ҳали. Мундоқ ўйлаб қараганда, «Аноним» билан сұхбатлари боқий давом этмаслигини биларди. Энгузофи билан умрининг сўнгига қадар. Фақатгина кутилмаган пайтда тугаб қолгани... Ниманинг тугаси кутилади ўзи?

Вақт инсонни ўз чангалида сақлар экан, боқий нарсанинг ўзи бўлмайди.

Балки «Аноним» ҳам ундан зериккандир? Ахир унинг дилида ҳам қандайдир дард бордир. У эса сўрамади. Худбинларча фақат ўзини ўйлади. У ёмон сұхбатдош, дунё эса...

Ҳар доим яхширогини танлайди. Маъшуқанғага ўхшаб.

Ҳаётнинг ўзи шунга мажбур қиласди. Шу боис ҳеч кимни ҳеч нарсада айблашдан наф йўқ. Олам узун занжирга ўхшайди. Сен заиф ҳалқасан. Агар ўзинг эргашмасанг, силсила эргаштириб кетади. Бироқ...

Имкониятдан устун чиққанингдагина ўзинг хоҳлаган нарсага эришасан.

Занжирнинг кичкина, арзимас ҳалқаси бўла туриб қай йўсун имкониятдан устун чиқиш мумкин? Битта йўли бор – узилиш... Ҳаёллар, хаёллар, бунча шафқатсизсиз?

Биринчи хаёл иккинчисини чақиради. Ўйловнинг охирига ета олмайсан.

Ўйлагандан маъни йўқ. Ҳаракат қилиш керак. Ким учун, нима учун ҳаракат қиласди? Шу дунё учунми? Ўзи учунми? Ўзи нима, дунё нима?

Соатли бомба. Хисоб оркага кетаверади, кетаверади, бир куни портлайди. Ҳар бир инсон – дунёнинг митти кўриниши. Тананг ичидা экансан, бундан қоча олмайсан.

Ҳар бир инсон кичкина бир дунё, зеро. Портлашни кутгандан кўра заифгина милитираб ўчган матькулдир балки?

Унинг фикрлари чалкашиб кетди. Бирор нарсани англаш тугул, нимани англаш кераклигини фаҳмламай қолди.

ИНСОН АКЛИ БИЛАН МОҲИЯТНИ АНГЛАШ МУМКИНМИКИН? Материя ичидаги материядан юқори турис мумкинмикин?

Фоифил, Сукротлар англомаган моҳиятни сен англармидинг? Ҳаётни билмай туриб-а? Яшаётдан қочиб яшадинг-ку ахир? Бу ҳаёт эмас.

Бунинг фақат битта чораси бор.

У чорасини топди. Ҳа, қутилиш керак. Материядан қутилиш керак. Биринчи навбатда мана шу лаънати уйдан. Оппок деворлар бунчалар чекламаса одамни?

Кейин дунёдан. Кейин кичкина дунёдан... танадан.

Деразани очди. Тоза ҳаво унинг тор күлбасини соғинган эканми, шиддат билан ёпирилиб кирди.

Йўқ, бу кам. У дераза четига оёғини кўйди. Мана, уй қамоғидан қутууди. Кўз олдида янада каттароқ қамоқ намоён бўлди – олам. Ҳайр, олам.

Битта охирги қамоқ уни моҳиятдан ажратиб турарди. Танаси.

У олдинга қадам ташлади. Материядан узилгандек ҳис қилди ўзини, зеро биринчи марта юрганида оёғи ерни сезмади.

Ўзини енгил ҳис қилди. Йўқликда сайр қилаяпти гўй...

Мана эрк. Ҳақиқий эркинлик.


Ҳаво зарралари тиғ мисол тўқималарига санчилди. Кислород агрегат ҳолатини ўзgartириб, танасини атомларга бўлиб юбораётган эди. Оғриқ узоқ давом этмади. У кўришдан, эшитишдан, сезишдан, ўйлашдан ҳолос бўла бошлади. Ким билсин, балки «ягона чора» деганда «Аноним» шуни назарда тутгандир. Нима бўлса ҳам, ёлғон ҳақиқатга айланди. Ёки аксинча...

Таассуф, мўъжиза рўй бермади. Бутун танаси сингари мисси ва унданнейрон боғламалари ҳам зарраларга бўлинниб кетаётганди. Боғламалар билан бирга тафаккур қобилияти ҳам иззиз ғойиб бўла бошлади.

Унинг кўнглидан кечган охирги нарса «Интернетни ким ўйлаб топган ўзи? Ҳеч қизиқмаган эканман» бўлди.

# «Huquq va burch» журналини онлайн харид қилиш учун ЙЎРИҚНОМА

1 www.huquqburch.uz сайтига киринг.



2 Ўзингизга зарур журналини танланг ва "саватга қўшиш" тугмасини босинг.



3 Ҳосил бўлган ойнадан "view cart" тугмасини босинг.

You cannot add another "Huquq va burch 2019/1" to your cart.

View cart



4 "Буюртма бериш" тугмаси орқали тасдиқлаш бўлимига ўтиб, тегишли маълумотларни тўлдиринг.

## Маълумотлар

Исл *	Фамилия *
<input type="text"/>	<input type="text"/>

Фирма номи (мажбурий эмас)

Давлат \*

Манзил \*

Кўча номи, уй раками

Корпус, кўшинча маълумот

Шахар / кишлек номи \*

Вилоят \*

Почта индекси \*

Телефон ракам \*

Email манзил \*

5 Маълумотларни киритиб бўлганингиздан сўнг қуай тўлов усулини танланг.

## Буюртмангиз

Номи	Жами
Huquq va burch 2019/1 × 1	20 000 сўн
Жами	20 000 сўн
Унуний тўловга	20 000 сўн

### CLICK

Оплатить с помощью CLICK

### Payme

Pay

Шунингдек, онлайн сотиб олиш бўлимига кириш учун ушбу QR-коддан фойдаланиш мумкин.



Таар 21157



HUQUQIY  
AXBOROT  
PORTALI

Ушбу хизмат  
орқали сиз



### Электрон журнал

Нашрни PDF форматда  
компьютер ёки смартфоннингизга  
юкляд олинг.



### Онлайн обуна

Үйнгиздан чиқмасдан  
бўйтма беринг.



### Тўлов тизимлари

Хизмат учун тўловларни  
Рауте ҳамда Click тўлов  
тизимлари орқали  
амалга оширишинг.

# Журналимиз энди ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА!



### ОНЛАЙН ОБУНА 3, 6 ва 9 ойлик

+ 10 йиллик архив  
супер чегирма  
нархларда

### АЗИЗ МУШТАРИЙ!

Нашримизни  
энг биринчилар қаторида  
үқишни истасангиз  
«Онлайн обуна»  
хизматимиздан фойдаланинг.



Журнални сотиб олиш ва онлайн обуна бўлиш учун қўйидаги  
ҳаволага киринг: <http://huquqburch.uz/shop/>